




Guliston

2002/2





Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН

БУЮК КЕЛАЖАК САРИ

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодлардан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

* * *

Сохта инқилобий сакрашларсиз, фожияли оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш — танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир.

* * *

Одамларнинг онги ва турмушига ўнлаб йиллар мобайнида, кўпинча зўравонлик йўли билан сингдирилган нарсаларни бир зумда ўзгартириш мумкин эмас.

* * *

Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида гамхўрлик қилиш, очик кўнгиллик, миллатидан қатъи назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади.

* * *

Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром — Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир.

* * *

Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илгор марраларга чиқиб олишида ёрдам берган. Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини

ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт.

* * *

Халқимиз мустамлакачилик жабрини, қарамлик фожиясини беҳад кўп тортган. Шунинг учун у тутқунликнинг ҳар қандай кўринишини юрак-юрагидан рад этади.

* * *

Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

* * *

Маънавийлик ва инсонпарварлик, республика ҳудудида яшаётган барча халқларнинг анъаналари ва урф-одатларини, дини, тили ва маданиятини ҳурмат қилиш қоидаларига устуворлик берилиши керак.

* * *

Маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш. Халқларнинг маданий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш. Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш ва Ўзбекистонга қайтариш зарур.

* * *

Ислом — ота-боболаримизнинг дини — мусулмонларнинг онги, туриш-турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир. Давлат ҳар бир мусулмон учун муқаддас бўлган Маккага ҳаж қилиши зарур ёрдам беради.

* * *

Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда.



Бош муҳаррир:
Азим СУЮН

Таҳрир хайъати:
Юсуф АБДУЛЛАЕВ,
Бобур АЛИМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ,
Абдусайд КҮЧИМОВ,
Отаназар МАТЁҚУБОВ,
Маҳкам МАҲМУДОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Абдулла ОРИПОВ,
Шухрат ОРИФ
(масъул котиб),
Қобилжон ТОШМАТОВ,
Азиз ТҶРАЕВ,
Рустам ШОҒУЛОМОВ,
Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Табысқан ҚАНААТОВ,
Усмон ҚОРАБОЕВ,
Жуманазар ҲУСАНОВ,
Абдуғани ЖУМАЕВ.

Бўлим муҳаррирлари:
Сирождин АҲМЕДОВ,
Комил ЖОНТОЕВ,
Маъпура НАБИЕВА.
Саҳифалаш ва дизайн:
Барно ҲОШИМОВА.
Мусаввир:
Раҳима ҚҮНФИРОВА.
Мусаҳҳиҳ:
Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА.
Фотомухбир:
Владимир ГРАНКИН.

Навбатчи муҳаррир:
М. НАБИЕВА.

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Маданият ишлари
вазирлиги

Журнал 1925 йилдан чиқа
бошлаган.
Босишга рухсат этилди:
27.04.2002 й.
Қоғози: 70x108 1/8
Ҳажми: 4,5 босма табоқ.
Буюртма: 3437

"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонаси.

Таҳририят манзили:
700029, Тошкент - ГСП,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Телефонлар:
Қабулхона: 136-78-90
Бош муҳаррир ўринбосари:
133-08-57
Масъул котиб:
133-07-94

"ГУЛИСТОН" 2/2002

Ушбу сон мазмуни:



Аскар МАҲКАМ

*Ватаннинг бунёд
бўлиши...* 4



Қахрамон РАЖАБОВ

*Туркистон аёл
қўрбошилари
қисмати...* 12



Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

ОТ ЙИЛИ
(қисса) ... 18

*Либослар —
ўзгаллик калити...* 22



Болалар саҳифаси
Redyard KIPLING

*Karkidonga g'ijim g'ijim
teri qayoqdan
kelgan?...* 24

Ўлимдан кейинги ҳаёт... 26


Аёллар саҳифаси... 28

*Қандай қилиб соғлиқни ва ёшлиқни юз
ёшгача сақлаш мўлқин...* 31

МУҚОВАЛАРДА:

Биринчи ва тўртинчи бетлар —
фотосуратлар муаллифи
Абдуғани Жумаев;
Иккинчи бет — фотосурат муаллифи
Фарҳод Қурбонбоев;
Учинчи бет — фотосурат муаллифи
Владимир Гранкин.





Ал-ЖОҲИЗ,
араб мутафаккири

КИТОБ — дилкаш суҳбатдош, нодонларга қарши қудратли қурол, шифобахш дори, кўнгилни хушловчи. Китоб билган одамга мўл-кўл моддий ва маънавий даромадлар келтиради. Китоб — содиқ дўст, азиз меҳмон. У энг доно маслаҳатчи ва оила мулкидир.

* * *

КИТОБ — билимлар сандиғи, нозик иборалар қутиси, ҳазил-мутойиба ва меҳнат ҳосили. Шундай китоблар борки, баъзилари Саҳбон Ваъилдан ширинсўзроқ, баъзилари Боъқилдан шўхроқ. Китобдан қизиқ латифалар ўқиб куласан, ғаройиб воқеалардан ҳайратланасан. Китоб ўқисанг, гоҳ шўх, қувноқ бўласан, гоҳ ғам, қайғуга ботасан. У энг яхши маслаҳатчи, сени баъзан жиловлйди, баъзан ғайратингни кўзгайди. Китоб ўқиб хасислар сахий, сергаплар соқов, совуққон одамлар оташин бўлиб кетади.

Жаҳон ичра
Жаҳон

КИТОБ ўқир экансан, жаҳондаги турли миллатлардан дўстларим бор деб ҳисоблайвер, чунки қайси халқ адабиётини ўқисанг, ўшалар — араб, румлик, бизанс (византиялик), ҳинду, форс ва юнонлар билан дўстлашасан. Китоб ўқисанг, сен учун кўҳна олам янгиланади, зерикарли кўринган нарсалар қизиқарли бўлиб қолади. Китоб ибтидо ва интиҳони, чалалик ва мукамалликни, яширин ва ошқора нарсаларни, бой ва камбағални, аёл ва эркакни бир-бири билан боғлайди.

* * *

КИТОБ шундай мўъжизаки, унинг ёрдамида сен бутун бир мевазор боғни қўлтиғингга қисиб олиб кетасан, ям-яшил ўтлоқни бошингда кўтарасан, китобда ўликлар тирилади, тириклар ўлади. Унда ўтмишдаги одамлар ҳозиргилар ҳақида гапирди. Китоб шундай дўстки, ухлаганингда ухлайди, уйғонганингда уйғонади, у билан истаган вақтингда суҳбатлаша оласан. Китоб шундай хазинаки, ер асролмаса, у асрай олади, бойликларингни у ҳеч кимга олдириб юбормайди.

Мукаррам НУРМАТОВА
тайёрлади

Дилфуза КАМОЛ,
санъатшунос

СКИФ МАЛИКАСИ

Кўёшнинг қизи

Ёшлик — шахс шаклланишининг энг масъулиятли мавсуми. Ғўзаллик, янгиликка шайдолик — булар бари ёшликка хос ва мос жиҳатлар. Худди шу сифатларни ўзида мужассамлаштирган умидли ва истеъдодли ёш рассом Ҳилола Турсунназаровадир.

Шарқ халқлари санъатидаги нафислик, энг муҳими, сирлилик бутун инсониятни ўзига ром этиб келган. Рамзлар тили адабиётда ҳам, санъатда ҳам фикрни чуқур ва фалсафий ифодалашда муҳим аҳамият касб этган. Дунёни ғўзал идрок этиб уни томошабинга етказа олиш санъатдир. Ҳилоладаги инсон ва унинг онги билан боғлиқ нозик, сирли замзамалар, шарқона-қайфият уйғотиш услуби ижодининг бош омилларидан биридир. Назаримда Ҳилола Шарқ эртақларини яратаётган ва унда бевосита ўзи ҳам иштирок этаётган қизга ўхшайди.

Ҳилола Турсунназарова 1980 йил 5 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган. 6 ёшидан рассомлик тўғарагига қатнашган. 1995 йили Ҳилола пойтахтдаги 110-мактабнинг 9-синфини тугатиб, Беньков номидаги рассомлик коллежига ўқишга кирди. У 1994 йил биринчи марта танловда қатнашиб, «Скиф маликаси — Кўёшнинг қизи» асари учун 1 ўринга лойиқ топилди. 1996 йили «Сув ости дунёси» туркум асарлари билан «Наврўз» кўрғазмасида иштирок этди. 1997 йилда Ҳилола «Тановар» рақс ансамблида, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида рассом бўлиб ишлади.

1999 йили коллежни битириб, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг компьютер графикаси мультимедиа факультетида таҳсил ола бошлади. Ўша йили ноябрь ойида Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида бўлиб ўтган халқаро ёшлар фестивалида қатнашди. Ҳилола 1999 ва 2000 йил Наврўз тантаналари учун тайёрланган либосларга ҳамда 2000 йил «Президент арчаси» тадбири либосларига бош рассомлик қилди.

Ҳилола Турсунназарова 2000 йил «Осиё рамзи» ва 2001 йил «Осиё XXI аср» халқаро фестивалларида ўзининг бешта либоси билан иштирок этди. Унинг асарлари Япония, Германия, Англия каби давлатларда бўлиб ўтган кўрғазмаларда намойиш этилди. Ёш рассомнинг «Шарқ услубида», «Олтин Бухоро нафаслари» асарларида шарқона руҳ, миллий ғурур яққол кўзга ташланади. Ушбу асарлар Ҳилоланинг халқимиз тарихидан яхшигина хабардор эканлигини кўрсатади.

Ёш ижодкор яратаётган либослар туркумини кузатиб, улардаги энг муҳим бир белги — Шарқ ўтмиши ва аънаналари йиғиндисини замонавий руҳда бера олиш маҳоратини илғаш мумкин. Ҳар бир либосда аёл нозиклиги ва назокати Шарқ меъморчилиги қудрати ва улғуворлигига уйғунлашган ҳолда ҳам қадимий, ҳам замонавий қиёфа касб этади. Биргина либос яратиш билан Ҳилола тарих ва замон, бугун ва келажак ҳақидаги ўз фикрларини намоеън этаётгандек.

Тасвирий санъат саҳнасида чиқаётган навқирон авлод ўзининг янги тафаккури билан гавдаланаётгани Ҳилола Турсунназарова сингари ёшларимиз сиймосида кўринмоқда. Бу дилбар қизимиз санъати мамлакатимиз сарҳадлари оша дунёга юз тутиши ва модалар мамлакатлари ҳисобланмиш Франция, Италия кўрғазмаларида ўз ўрнини топишига ишонамиз.

Ватаннинг бунёд бўлиши

«Муборакнефтваз» нефть ва газ конлари бирлашмаси ёки чўл мардонлари ҳаётидан лавҳалар

«Республика мустақиллигининг бир йили ичида асрлар мобайнида амалга оширилмаган кўп нарсаларга эришишга муваффақ бўлдик. Ўзбекистон халқи жонажон ўлкадаги бекиёс бойликнинг абадул-абад ҳақиқий эгаси бўлиб қолди. Республика ўз олтинини, бошқа нодир ва қимматбаҳо металлларни мустақил қазиб чиқариб, қайта ишламоқда ва сақламоқда. Ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий бойликлар, авлод-аждодларнинг меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий куч-қудрат ва имкониятлар миллий бойлик бўлиб, одамлар фаровонлигининг кафолати, изжитимий тараққиёт ва равнақнинг асоси бўлиб хизмат қилади».

Ислоҳ КАРИМОВ.

«Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли».

Мустақиллик Ватан, эътиқод ва иймон озодлигини қайтарибгина қолмай, у иқтисодий-сиёсий, маънавий-руҳий қарамлик санжирларини ҳам гарданимиздан соқит қилди. «Ўзбеклар мустақил бўлгач, сари-калавасини йўқотиб, яна айланаб-айланиб остонамизга бош уриб келадилар», деб фол очган «саховатпеша оғалар» қаттиқ панд ейишди. Уларнинг башорат ва рижорликлари чиппака чикди. Буюк ўтмиш, мардона ва заҳматкаш халқ соҳиби бўлган Ўзбекистон ўзининг истиқлоли тарихий ҳақиқат ва зарурат эканини қисқа фурсатда намоён қила олди. Ҳаётий муҳим тармоқларда чиндан қарамликка дучор қилинган мамлакат тафаккур ва назар соҳибларининг саъй-кўшишлари билан иқтисодий жабҳаларда кўллари қаттиқ боғлаб кўйган қарамлик бандларидан халос бўлди.

Маълумки, «қора олтин» деб аталмиш нефть республикамизнинг асосий қазилма бойликларидан бири ҳисобланади. Умуман, жаҳонда жуда катта нуфузга эга бўлган бу бойлик замонамиз тараққиётининг муҳим омилларидан биридир. Бугун бу мўъжизавий ҳодиса етиб бормаган Ер шарининг бирор қарич тупроғи йўқ. Мустақил мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан саноатнинг энг муҳим тармоғи бўлмиш нефть ва газ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва миқёсини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилди. «Ўзбекистон Республикаси нефть ва газ саноати-

ни ривожлантиришнинг 1993-2000 йилларга мўлжалланган концепцияси» ишлаб чиқилди.

Албатта, ҳар қандай иқтисодий ислохотлар ва бу жабҳадаги янгиланган, энг аввало, инсон манфаатларини назарда тутати. Инсон, ўз навбатида, ана шу жараённинг сабабчиси ва яратувчисидир.

Бугун «замон қахрамони» тушунчаси тез-тез тилга олинмоқда. Бу — даврнинг ҳосиласи. Давр ўзининг бунёдкорлари, қахрамонлари, ислохотлари ва кашшофлари билан даврдир.

* * *

Бу дунёнинг равиши шу. Бир ерга қаданинг тегса, ўша ернинг қандай манзил-маоб, бу маъвода кимлар яшаган, кимлар яшамокда деган ўйлар хаёлингни қамраб олади. Ҳар бир жойнинг ўз қисмати, қисматнавислари, азизлари ва пирлари бор. Халқ таъбиридаги «қадамжой», «пирхона», «зиёратгоҳ» каби тушунчалар бежиз пайдо бўлмаган. Одам боласи қаерда яшамасин, ўша жойга нафақат жисман, энг аввало руҳан боғланади. «Ҳамма нарса аслига қайтади», дейилади азизлар пандида. Одам Ватани, киндик қони тўкилган гўшани ҳеч ким ва ҳеч нарсага алишган эмас. Халқ хоин ва ватанфурушларни ҳамиша лаънатлаган, Ватан фидойилари, элпарвар ва эътиқодли одамларни вақтнинг узун-қисқалигига эътибор бермай эъзозлаб келган.

Тақдир тақозоси билан юртимизнинг қадимий ва навқирон, бугунги кунда эл-юрт ризқига бекиёс улуш қўшаётган заҳматкаш ва фидойи фарзандлари яшаётган, ер ости маъданларини ғоятда машаққатли меҳнат эвазига яратаётган афсонавий одамлар манзили — Муборак шахрига йўлим тушиди. Сафарим туйқусдан рўй бергани учун бу юрт, унинг тарихи, бугуни, одамлари хусусида тўқсат бир маълумотга эга эмасдим. Одатда шунақа ҳолат тез-тез рўй бериб туради. Бир ерга бормоқчи бўлсанг, даставвал сафархалтанга ул-бул нарсаларни жойлайсан-да кетаверасан. Сачора, бу учкур замонда ҳамма нарсани ҳам кунгидагидек адо қилиш ҳамиша ҳам муяссар бўлавермайди...

Муборак Қашқадарё воҳасидаги энг йирик саноат марказларидан бири ҳисобланади. Унинг бой ва қахрамонона тарихи, буюк алломалари, азиз-авлиёлари бор.

БУЮК НАСАФ САРИ

Биз олти минг метр баландликдамиз. Учмиш мuddати бир соат. Стюардесса қизнинг ўзбек-русча лаҳжадаги эслатмасидан бир оз сергак тортидим. Олти минг метр баландликка чиқиб олган «темир куш» бир соатдан сўнг Қарши тайёрагоҳига келиб кунди. Ҳаво майдончасини кесиб ўтиб, ҳовлига чиққанимда Қарши ҳавоси ажабтовур иссиқ ва бир қадар дим эканини ҳис қилдим. Назаримда осмон губорли эди. Баҳор. Бутун атроф яшил либосга бурканган.

— Бу ёққа юрамиз, — деди тайёрагоҳда пешвоз чиққан «Муборакнефтваз» бирлашмаси раҳбари Нуриддин ака Зайниев майдон четидаги машинага ишора қилиб. — Яхши келдингизми? Танишинг, Жумакул ака. Бизда маънавий масалалари билан шу киши шугулланади. Асл касблари — тарихчи. Фан номзоди.

Мен алп қоматли, истараси иссиқ бу кишини қаердадир кўргандек эдим.

— Раҳмат. Жуда яхши келдим, — дедим мен кўл чўзиб.

«Нексия» Қарши кўчалари бўйлаб кушдек учиб борарди. Нуриддин ака шахар ҳақида сўйларкан: «Илгари Қаршида бўлганмисиз?» — деди. Мен бурноғи йили тахририят топшириғи билан Қаршига келганим тафсилотини сўзлаб бердим.

— Кейинги йиллар ичида Қарши таниб бўлмас даражада ўзгарди. Дарахтларга назар ташланг. Бизнинг шароитда дарахт жуда кўп нарсани англайди. Ха, бугун Қарши пойтахтдан қолишмайди. Мана бу Қаршининг қадимий бозори. Бу эса «Мебеллар уйи». Болалигим худди шу кўчаларда ўтган.

Машина вилоят ҳокимияти биносининг ёнбошидаги кўм-кўк боғ этагига келиб тўхтади.

— Бир оз ишим бор, — деди Нуриддин ака. — Жумакул ака, меҳмонни зериктирмай туринг...

Қаршининг шундоқ ўртасидаги ям-яшил боғ кўзни қувонтиради. Мен ҳар бири нозик кифтига сарғиш ниманидир (эҳтимол, яп-



Асқар Маҳкам — шоир ва таржимон. Мубораклик қончилар ҳаётига доир ушбу лавҳаларда муаллиф мустақиллигимизнинг иқтисодий пойдеворини яратаётган оддий ва фидойи одамлар хусусида хикоя қилади.

роқнинг ушоғи ёхуд гиёҳнинг қуриган баргидир) кўтариб қатор тизилганча қаёққадир шошаётган қумурсқаларни қузатарканман, Жумакул аканинг сўзларига қулоқ соламан.

— Маънавият ҳаётдаги энг буюқ сунъичик, тиргак, жоиз бўлса, сарчашмадир. Кейинги пайтда раҳбарларимизнинг бу хусусда жон куйдираётганлари бежиз эмас. Қорин бир кун тўяди. Кўз ҳам. Аммо инсон маънавий эҳтиёжининг чеки йўқ. Қашқадарё буюқ алломалар юрти.

... Бир оздан сўнг, Нуриддин ака ҳокимият вазифасидан чиқиб келгач, биз яна йўлда давом этдик.

Қарши ортда қолди. Олдинда Косон ва Муборак. Йўл четидидаги таблода «Муборак — 68 км.» ёзувига кўзим тушди.

— Косонда, — изоҳ бера бошлади Нуриддин ака, — турли миллат вакиллари ҳамжиҳат бўлиб истиқомат қилишади. Дарвоқе, Абдулла ака Орипов ҳам Косоннинг Некўз қишлоғидан.

Йўлдамиз. «Бу Ерқўрғон, — деди Нуриддин ака ўнг томондаги паст-баланд тепаларга ишора қилиб. — Қаранг, бутун шаҳар замин остида. Ақлга сиғмайди. Тўқис цивилизациянинг замин қабатига сингиши. Мана бу деворларга разм солинг. Ахир, бу тирик тарихку. Урганишимиз керак. Жумакул ака. Тарихни билишимиз лозим. Дунёга кимлигимизни кўрсатишимиз керак. Худди шу замин остида бир замонлар бугунгидек бешиклар қалқиб-қалқиб тебранган, хурлар ва баҳодир йигитлар бир-бирларига кўнгили боғлаганлар».

Йўлдошларим йўл-йўлакай менга бу кўҳна диёрнинг ўтмиши, бугуни хусусида шавқ билан гапириб боришарди. Мен эса бу содда ва қалби пук инсонларнинг юртга муҳаббатини, унинг учун чин юракдан қайғура олишларидан ҳайратда эдим.

Қашқадарё — улуг Ватанимизнинг бир бўлаги. Ватан бир бутун вужуд бўлса, бу воҳа унинг мукаммал аъзоси. Вужуднинг тўрт муҳаси соғ бўлса, у мукаммал. Борди-ю бирор аъзоси дардга чалинса, бутун борлиқ зиркирайди. Юрт ҳам, юртдорлик ҳам шундай экан. Зангори олов яшнаб ёнаётган қувурлар бошланган манзилга етганимизда йўлдошларим Муборак бошланганини айтишди.

— Эҳ, бу саксовуллар! — деди туйқусдан Нуриддин ака. — Қанчалар керак экан улар бу чўлларга. Дарвоқе, Жумакул ака, саксовул ўз уруғидан кўпаяр экан, шундайми?

— Ҳа, — деди Жумакул ака, — саксовулдек чўл шароитига батамом мослаша оладиган, саҳронинг шафқатсиз қонунларига дош берадиган бошқа бир дарахтни топиш амри маҳол. Муборакнинг бу қисмида улар деярли гавжум эмас, юқорида бошқача. Ўрмонзор дейсиз. Бардошли дарахт. Саҳро одамига ўхшайди.

— Саксовуллар шаҳри, — гапга кўшилди Нуриддин ака, — бу ерлар кўриб турганингиздек шўрхок, қуп-қуруқ саҳро эди. Инсоннинг кўли чинакамга гул экан. Саҳро эмас, жаннат...

— Мана буни «Мустақиллик боғи» дейишади, — давом этди Жумакул ака. — Эътибор беринг, зунасига тўрт километр боғ. Буларнинг бари Нуриддин аканинг ташаббуси билан бино бўлган. Олма, ўрик, анор...

— Чўл шароитида қайси мевали дарахт яхши ҳосил беради? — қизикдим мен.

— Бодом, беҳи, ўрик, — деди Нуриддин ака. — Кўчатларни Самарқанддан келтирдим.

Назаримда, даштнинг жони — дарахт. Сиз бу ерларнинг кўм-кўк мана бу «дўстларимиз» (дарахт демоқчи) билан сирлашиб етганини бир тасаввур қилинг-а. Бу даштлар Қорақум ва Қизилқум чўлларининг бир қисми бўлмиш Ўртачўл зонаси. Унинг ўзига хос хусусияти бор. Ер шўр. Демак, унинг табиати билан келиша оладиган ва одамларга манфаатбахш бўлган ишларининг амалга ошириш тақозо қилинади. Саксовулни олинг. Биринчи галда ҳавони озиклантириб, қум-тўзонлардан асрагувчи қалқон у! Илкони бўлса, бу шароитда уни кўпроқ экиш керак. Токи биринчи галда ҳавомиз соф ва тўйимли бўлсин. Яшил борлиқда гап кўп. Мен бу боғни шу мақсадда бунёд этдим. Бир қисми ҳосилга кириб қолди. Мана бу қисми эса, — Нуриддин ака чап томондаги кўм-кўк навниҳолларга ишора қилди, — энди куч олмоқда. Бу «Мустақиллик боғи» бўлади, худо хоҳласа. Орадан йиллар ўтади. Бугунги авлодлар ортидан келаётган фарзандлар оталаримиз юртни мустақил қилиб, боғ бунёд қилишибди, дейишади. Мустақиллик ва эркинлик миллатнинг беҳозор боғидир. Мана, Муборак газни қайта ишлаш заводи. Олти йил шу ерда ишладим. Унинг ҳам ўрни шўрхок дашт эди. Қаранг, бутун бошли шаҳарга айланди. Икки мингдан зиёд ишчи меҳнат қилади. Бу ерларда дастлаб зангори олов балққанида Ватанимизнинг баракотли бир гўшасида ҳақиқий иқтисодий мўъжиза рўй берганига гувоҳ бўлганмиз.

Муборак пастқам дарахтзор ичидаги шаҳардек туюлди. Дашт шаҳарнинг остонасида, ичида, ҳар бир ерда ўз «хусн»ини намоён қилиб турибди. Саксовуллар гўё уни кўриқлаб тургандек. Ҳақиқатда қуюқ шохли, нина баргли қаттиқжон дарахт баҳодир лашкарларни эсга солади. Муборак тупроғининг ҳар бир қаричида Ҳожа Абдуллоҳ Муборакнинг нафаси кезиб юргандек. Бухоро худудига бориб туташувчи кенг ва равон йўл бундан минг-минг йил бурун ҳам бор эди. Бу йўлдан жажонгир лашкарлар, Баҳоуддин Нақшбанднинг комил муридлари ва дунё кезган дарвешлар «огир кўнгироқ чалиб ўтганлар».

Чўл кечалари. Чирилдоқлар савти. Улар гуриллаб ишлаётган огир юк машиналари ва қурилишдан келаётган садолар остида йўқ бўлади. Эҳ, тун куйчиси! Сенинг ҳам ўз дард-ҳасратинг бор.

Бу улугвор саҳрода энг катта муаммо сув бўлган. Мен Нуриддин аканинг «Қаршида бир пайтлар бозорда сув сотилган», деган сўзларини эсладим. Томоғи қақраган афсонавий ошиқ бахшиларнинг наърасида нечукдир чанқоқлик бордек туюлади. Аммо одам бу муаммони ҳам ақл ва тафаккур қудрати билан ҳал қила олди. Сув омборлари чўлнинг жон томирларига шовиллаб куйилди. Дарёлар қиргоғи кенгайиб, унинг туби кўриниб қолган бўлса-да, сув захира қилиб жамланди. Энди уни расамади билан тежаб-тергаб ишлатиш керак бўлади. Қадимий Қашқадарё номининг бу поёнсиз даштларга нисбат берилиши бежиз эмас. Одамларнинг орзуси, ҳаётининг мазмуни, тириклик сарчашмаси эди бу дарё!

Муборакда бир қанча мактаб, лицейлар фаолият кўрсатади. Шаҳар ва туманда жами олти миш минг аҳоли яшайди. Мен шаҳарда терак дарахти нисбатан кўпроқ эканига эътибор бердим. Умуман, дарахтларнинг чўл шамоли таъсирида эгилиброк ўсиши бежиз эмас. Улар, юқорида айтилганидек, қалқонга

ўхшайди. Мудом гармсел ва тўзонлар билан олишавермоқдан беллари майишгандек. Тераклар тик ўсадилар ва тик жон берадилар. Уларнинг қисмати — шу.

КЎҚДУМАЛОҚ

Кўқдумалоқ Муборакдан юз километр олисда. Денгизкўлнинг этакларида, саксовулзор ва ёвсанзор чўл кўйнида.

Биз Жумакул ака билан афсоналар ва асо-тирлар, шижоатли одамлар манзилига йўл олдик. Атроф кета-кетгунча дашт. Равон асфальт йўл гоҳ тепаликка тирмашар, гоҳ куйига эниб кетар, машинамиз баҳорнинг нафосатли либосига бурканган чўлни иккига бўлиб, олис узанган йўлдан учиб борарди.

Кўқдумалоқ олдинда. Ахён-ахён у ер-бу ерда кўзга ташланадиган қишлоқлар бу ерлар чорвадорлар истиқоматгоҳи эканини билдиради. Дашт бўйлаб кўй-кўзилар, сирлар яйраб юришибди. Баҳор чўл бағрини чиндан жонлантириб юборган. Ҳазориспанд, шувок, саксовуллар кўзни қувонтиради. Мени каррак деб аталгувчи сариқ гулли ажойиб ўсимлик ҳайратга солди. Карраклар чўл кўйнида ёйилиб рақс тушаётган сариқ либосли қизларга ўхшайди. Улар бутун дашт бўйлаб ёйилган эди. Жумакул ака йўл-йўлакай менга дашт қишлоқлари, ўсимлик ва гиёҳлар олами, унинг кечаги куни, бугуни хусусида гапириб, йўл жиловини тобора тортиб борарди.

— Тўхтанг! — деди ногаҳон Жумакул ака ҳайдовчига. — Келинг, бир дашт ҳавосидан тўйиб симирайлик. Дарвоқе, мана бу шувокларга эътибор беринг. Оҳ, унинг ҳиди! Димоғни ёраман дейди.

Мен майин шувок барглари димоғимга босдим. У шу қадар ёқимли эдики, дафъатан бу ифор қимматбаҳо фаранг хушбўйларидан қолишмаслигини ҳис қилдим.

— Бу гулларга боқинг, — деди Жумакул ака инжа гулли турли-туман гиёҳларга ишора қилиб, — ҳар бири ўзига хос. Оҳ, бу гуллар. Уларнинг умри нақадар қисқа. Чўл баҳори ўзи шунақа. Кўз очиб-юмгунча ўтади-кетади. Бу йил ёғингарчилик жуда оз бўлди. Чўлга у нақадар керак.

Биз яна йўлдамиз. Бу ерларда саксовуллар ҳақиқий дарахтларни эслатади. Улар яси, баланд-паст тепаликлар бағрида ястанган. Чўлнинг адоғи кўринмайди. Осмон гўё дашт этакларида осилиб тургандек, аниқроғи, кўшилиб кетгандек.

— Мана бу — Денгизкўл, — деди Жумакул ака йўлдан жила олисдаги мовий кўлга ишора қилиб. — Унинг суви дашт қатламидан, қор-ёмғирлардан йиғилади.

Табиатнинг ўзи барибир тўқис. Бўлмаса, чўл кўйнида Денгизкўл нима қилсин. Ҳа, даштнинг ҳам ўз ризқ-рўзи бор. У ҳам бизу сизнинг қисматимизга ўхшайди.

* * *

У воҳонинг поёнсиз даштлари бағридаги чинакам мўъжиза эди. 1988 йилнинг баҳори чўллар бағрига ўзининг ям-яшил пояндозини тўшаган, маҳобатли дашт кўйнидаги анвойи чечаклар яна ҳаёт ва тириклик кўшигини замзама қиларди. Ҳали гўё борлиқ олдиндаги гармселлар ва қум кўчилари, куйдиргувчи офтоб тигини фаромушхотир кексалар каби унутгандек эди. Кончиларнинг олдида давр энг масъулиятли вазифани юкляди.

Одам оёғи тегмаган ва аллақим томони-

дан Кўқдумалоқ деб номланган бу гўшага геологлар ташриф буюра бошладилар. Меҳнат тун-кун давом этди. Қўшни Зеварда қонида ҳам ҳаёт қайнар, мамлакат нефть мустақиллиги, иқтисодий қарамликдан озод бўлишнинг залворли қадамларини дашт бағрига ишонч билан ташлаганди. Баҳор ёгингарчиликлари шўрхок йўлларни чилпиллаган лойга қориб, нефть-газ қувурларини пармалаш ишларига халал беришига қарамасдан мардонавор меҳнат авж палласида эди. Ниҳоят йил охирига бориб Кўқдумалоқда илк марта уч кудуқ ишга туширилди.

Кўқдумалоқда амалга оширилаётган ишлар Қашқадарё вилоятининг ўша вақтдаги раҳбари Ислоҳ Каримовнинг назорати остида эди.

«Вилоят раҳбари бўлиб ишлаган И.А.Каримов Кўқдумалоққа тез-тез келарди, — ҳикоя қилади машҳур геолог, ҳаётининг қирқ йилини шу соҳага бағишлаган инсон Турсунбой ака Эргашев, — қонда қилинаётган ишлар билан танишиб, тегишли топшириқлар бериб кетарди. Ўша пайтдаёқ у Кўқдумалоқ конининг ўзлаштирилиши Қашқадарё вилояти, қолаверса, республика иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ҳисса бўлишини теран англади. Шу боис ишларни тезлатишга ундарди...» («Фидойи», Ориф Омонов, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. Т., 2000 й.)

Мустақил юрт «ўз аравасини ўзи тортиши» керак эди. Унинг «катта оға»ларига мустақил юртда бошланган эркинликнинг инқилобий одимлари ёқмасди. Шу боисдан «Қани кўрайлик-чи, бизсиз яшай олармикансизлар» дегандек республикани тарк этмоқда эдилар. Мамлакат ўз кучига, ўзининг навқирон мустақиллигига суюниши, энг муҳими, ўзининг салоҳияти, ақл-заковатини намоён қилиши лозим эди. Шундай ҳам бўлди. Улар кета бошладилар, гарчи ҳеч ким, ҳеч бир жон уларга «кет» демаган бўлса-да. Ҳамма соҳада бўлгани каби нефть-газ қазиб чиқариш тармоғида ҳам бир лаҳза бўлсин иш тўхтамади. Ҳеч ким умидсизликка тушмади.

1992 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кўқдумалоқ нефть, газ ва газ конденсати конини ўзлаштиришни тезлатиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиқди. Мазкур қарор Кўқдумалоқнинг мамлакат иқтисодий ривожидан туганган гоят муҳим мақомини тасдиқловчи далил эди. Худди шу фурсатда Кўқдумалоқда бир неча кудуқлар ишга туширилди ва бор суръати билан ишлаб бошладилар.

Мустақил Ўзбекистоннинг бир файзли гўшаси — Кўқдумалоққа олам нигоҳи қадалди. 1996 йил Америка Қўшма Штатларининг «Келлог» фирмаси ҳамкорлигида Кўқдумалоқ компрессор станциясини барпо этишга киришилди. Бу ривожланган давлатлар саноати ва иқтисодий технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этиш йўлида дастлабки қадамлар ҳисобланарди. Биз ўз салоҳиятимизни дунё илм-фани, технологияси билан янада бойитишимиз, бошқа мамлакатлардаги нефть-газ саноатида жорий этилган илғор аъналарни кунт билан ўрганишимиз лозим эди. Аслида 1995 йил «Ўзбекнефтьгаз» миллий корпорацияси билан «Келлог Нишо Иваи» консорциуми ўртасида компрессор станцияси шартномасини кучга киритиш тўғрисида битим имзоланди. Бу битимга мувофиқ АҚШнинг «Дрессор Индустриз» ҳамда Япониянинг «Нишо Иваи» корпорациялари компрессор ускуналарини етказиб бериши лозим эди. «Мазкур компрессор станцияси, — дейди Турсунбой ака Эргашев, — янги замонавий технология — «Сайклингжараён» асосида ишлайди. Яъни, коннинг газ ва газ конденсати қатламидаги босимни бир меъёрда ушлаб туриш мақсадида қуритилган газни юқори босимга мўлжалланган компрессорлар ёрдамида ҳайдовчи қувурлар

орқали қатлам остига юбориб турилади. Натижада газ қатламида мавжуд конденсат ажралиб қолмайди ва уни газ билан бирга қазиб олишга имкон яралади. Ана шу жараён «Сайклингжараён» дейилади. Олдинлари, собиқ шўро тузуми даврида ҳам бу хил фикр-назария мавжуд эди. Лекин у амалиётда қўлланмасди. Дунёнинг ривожланган тўрт давлатида бу жараёндан фойдаланишарди. Биз бешинчи бўлиб ушбу компрессор станциясини барпо этишга киришдик...» (Ўша китоб).

Бизни Кўқдумалоқ нефть, газ ва газ конденсати конининг бошлиғи, истарали инсон Ҳасан Ашуров очик чеҳра билан қарши олди.

— 1997 йил 14 июль ўзбек кончиларининг ёдида муҳрланиб қолгучи шукуҳли кун бўлди, — деб гап бошлади Ҳасан ака. — Кўқдумалоқда энг замонавий технология — компрессор станцияси ишга туширилди. Ушбу муносабат билан республикамиз Президенти И.А.Каримов табрик хати йўллади. «Бугун ишга туширилган нобб станция, — дейилади мактубда, — бу қувурчилар, монтажчилар, муҳандис-техник ходимларнинг, Қашқадарё вилояти меҳнатсевар аҳолисининг, ўз ҳиссаси билан Ўзбекистон индустриясининг яна бир муҳим объектини фойдаланишга туширишни тезлаштирган барча кишиларнинг фидокорона меҳнати натижасидир...»

Ҳасан ака бизни компрессор станцияларининг бошқарув пунктига таклиф қилди. Пункт ўта шинам, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам муайян ҳароратни сақлаб турувчи, турли компьютерлар билан жиҳозланган хона эди. У ерда қузатувчи-операторлар станциянинг ҳар тўрт блокадаги жараённи махсус экранлар орқали назорат қилиб туришарди.

— Булар ўзимизнинг йигитлар, — дейди Ҳасан ака бизни ходимлар билан таништирар экан, — улар аллақачон хорижлик мутахассислардан ишни ўз қўлларига олганлар. Келинг, яхшиси ўзларидан эшитайлик.

Озғин ва камсуқум рус йигит бизга компрессор станциясидаги иш жараёнини экран воситасида тушунтира бошлади. Маълум бўлдики, мулкат узлуқсиз суръатда ишловчи станция батамом шу ердан бошқарила ва ахборот қабул қилина экан.

— Танишинлар, — деди Ҳасан ака қорачадан келган, юзлари майин жилмайиб тургучи йигит билан бизни юзма-юз қиларкан, — бош геологимиз Алимаҳмуд Каримов.

Кончиларнинг табиати қизиқ. Ўн карра савол билан мурожаат қилсангиз, бир марта жавоб оласиз. Мақтаниш нима эканини сира билишмайди. Дарҳақиқат, мардлар мақтанмайдилар, деган гап рост экан.

— «Муборакнефтьгаз»га қарашли конлардан ҳозирда 24 таси фаолият кўрсатяпти. Қолгани — захира. Келажакнинг сармосияси, — суҳбатга қўшилади Алимаҳмуд ака. — Табиийки, беш панжани оғизга тикиб бўлмайди. Бу ерда ҳам шу қоидага қатъий амал қилинади. Бугун эҳтиёжимизга шу конлар етадимиз, демак, қолган конларни истифода қилиш шарт эмас. Ёқилги келажак авлодларга ҳам керак.

Кончиларнинг бу «иқтисодий фалсафаси» менга манзур бўлди. Ахир, захирадагиларни келажак авлодларга асраш, таъбир жоиз бўлса, гоят инсоний иш эмасми?! Захирадаги конлар, мутахассислар таъбири билан айтганда, «консервация»да турибди. Яна фойдаланиш мумкин бўлган конлар ҳам бор. Уларнинг ўрни маълум, лойиҳаси тайёр, бир сўз билан айтганда, «таржимаи ҳоли» аниқланган. Улар келгусида, албатта, ўзлаштирилади.

— Бизнинг бошқармамизда — давом этди Алимаҳмуд ака, — шартнома асосида ишловчи учта нефть кидирув экспедицияси бор. Булар — Косон, Олот ва Қоровулбозор нефть кидирув экспедициялари. Бу экспедициялар

асосан нефть ва газ кидирув ишларини амалга оширадилар. Нефть-газ конларини очиш жараёни геофизик услублар билан бажарилади. Бизнинг ҳудудимиз геологлар тилида «Бухоро-Хива нефть-газ конлари минтақаси» деб юритилади.

— Компрессор станциясининг барча блоки узлуқсиз суръатда ишлаб туради, — деди кон бошлиғи Ҳасан Ашуров. — Компрессор кудуқлардан келган газни тозалаб, яна ер остига ҳайдайди. Конденсат ажратиб олинади. Бугун «Келлог» компанияси билан келган хорижлик мутахассислар қайтиб кетишди. Беш йилдан буюн ўзимизнинг йигитлар бошқаришмоқда. Бир неча юз кишидан иборат меҳнат жамоамиз вахта усулида ишлайди. Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятидан келиб хизмат қиладиган кончиларга бу ерда барча шарт-шароитлар етарли. Улар мириқиб дам олишлари учун шинам ётоқхона, спорт заллари, кутубхона, ҳаммом ва чўмилиш бассейнлари бор.

ЗЕВАРДА

Конлар ўша манзилнинг тарихий номлари билан аталади. Кўқдумалоқдан бир оз нарида, яъни дашт қўйнидаги Зеварда қони 1981 йил ишга туширилган. Зеварда ўша пайтда республикамиздаги йирик конлардан бири саналарди. Йилига бир неча миллиард кубометр ҳажмида газ ишлаб чиқарадиган бу кон майдонидаги ям-яшил дарахтлар, уруғ тикилган ерлар кўзни қувонтиради. Шу қадар сув танқислигида бу дарахтларни қандай қилиб яшил либосга буркаш мумкин?! Саратонда ҳарорат авж нуқтасига етадиган чўллар қўйнидаги Зеварда ва унга қўшни конлар яшил оролчаларни эсга солади.

Зеварда газ, конденсат қонига Алишер Мустафоев раҳбарлик қилади.

Кончилар муҳбирлар билан суҳбатлашишни хуш кўрмайдилар. Уларнинг қарийб барчаси оғзидан гапни суғуриб оласиз. Мен оддий бир тожирдан гап сўрасангиз, «бахши»га айланиб дostonлар айтиб беради, деб ҳазиллашдим.

Алишер мийғида кулиб қўйди. Эҳтимол, саҳронинг табиати, унинг теран сокинлиги донишмандона ўйчанлигининг таъсиридир. Қаёққа боқманг, юлғунзор, бошида гулчамбар кўтарган қаррақлар. Айтгандай, дашт бўйлаб сочилган ўтган йилги қуриб-қакшаб қолган қаррақлар негадир солибларни эсга солади. Қорамтир танасини қор, бўрон ва селлар, қуёшнинг куйдиргучи ҳарорати тоблаган бу дашт «сипоҳийлари» қаёққадир бош олиб кетаётгандек...

Зевардада ҳам ишлаб чиқариш жараёни одатдагидек. Захира, яъни газ даставвал ер ости кудуқларига жамланади. Юқори босим билан келатган газ таркибидаги суюқликлар — сув, конденсат ажратиб олинади. Босими туширилган газ қувурлар орқали Муборак газни қайта ишлаш заводида юборилади.

— Болаларни соғингандирсиз? — дейман Алишерга.

У деразадан ташқарига назар ташлайди. «Юринлар, кўз билан кўрганга нима етсин. Иш жараёни билан таништирман», — дейди у...

Қайтишда Жумакул ака йўлдан бир чақирим олисдаги сардобани кўрсатди.

— Бир неча йил бурун суви бўларди. Ҳозир йўқ, — деди у таассуф чекаётгандек.

«Сув ташиб келтирилганми?» — сўрадим мен. «Йўқ, қор, ёмғир сувлари жамланади», — жавоб берди Жумакул ака.

Бухоро ва Балх қарвон йўллари кесиб ўтган бу чўллар қўйнида неча-неча сардобалар бўлгани ёлғиз худодагина аён. Энди улар ҳам осори-атиқага айланиб қолди.

Кўҳна сардобалар...

ЎРТАБУЛОҚ-ДЕНГИЗКЎЛ

Ўртабулоқ-Денгизкўл газ, конденсат кони республикамизда илк марта ишга туширилган конлардан бири. 1963 йилдаёқ бу ерларда қидирув ишлари олиб борилди. Кон эса орадан саккиз йил ўтиб, 1971 йил қуриб битказилди ва ишга туширилди. Бу ердан олинадиган газ таркибида олтингургурт миқдори кўплиги билан бошқа конлардан ажралиб туради. Газ ишлаб чиқариш сигналган услублар билан амалга оширилади. Яъни, қудуққа жамланган газ таркибидаги сув, конденсат, механик (табиий) жинслар — кум, тупроқлардан тозалангач, соф газ қувурлар орқали Муборак шахридаги газни қайта ишлаш заводига юборилади. Заводда таркибидан олтингургурт ажратиб олинган газ истеъмолчига жўнатилади. Кончилар истилоҳидаги конденсат бу — суёқ газ. Ундан ёқилгининг барча турлари, ниҳоят асфальтгача олинади. Конденсатнинг бир қисми қувурлар орқали Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига юборилса, бир қисми цистерналарда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига жўнатилади.

Ўртабулоқ-Денгизкўл газ, конденсат конида 311 нафар ишчи вахта тартибида меҳнат қилади. Ишчилар асосан Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятларидан келишади. Уларга бу ерда барча шарт-шароит яратилган. Ишлаб чиқаришнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Ислом Беков бошчилигидаги кончилар шахарчаси спорт майдони, чўмилиш бассейни ва турли полиз экинларига мўлжалланган иссиқхона, шинам ётоқжойларга эга.

Ислом Беков икки қиз, бир ўғилнинг отаси. Улар Муборакда яшашади. Оталари билан ҳафтада бир марта дийдор кўришишади. Дийдор улар учун чинакам байрам тусини олади.

— Эртага туғилган куним, — дейди Ислом бир оз хомуш тортиб, — ўрганиб қолдик. Болалар уйда, мен эса бу ерда...

— Исломжон кўшиқ ҳам куйлайди, — гапга аралашди Жумакул ака. — Фахриддин Умаровнинг ашадий мухлисларидан. Рубобингиз шу ердами?

— Йигитлардан бири кўшиққа ихлосманд экан, бериб юбордим, — деди Ислом афсуслангандек. — Майли, кейинги сафар кўшиқ айтамыз.

Бу ерларга меҳнатнинг оғир қўлларидан тутгучи кўшиқ лозимлигини ҳис қиласан. Ҳис қиласангина эмас, балки бу мардонавор ва хоксор инсонларга муносиб кўшиқ яратиш нақадар зарур эканини дилдан туясан киши. Замон қахрамони Уртачўлдан — ойлаб оила дийдорига етишолмай, тун-кун меҳнат эвазига уйимизга кут ва барака улашаётган, минг сўрасанг-да, бир марта жавоб беришга истиҳола қилгучи дашт ботирлари, заҳматкаш йигитлар орасидан қидириш лозимлигини англаб етгандек бўлдим.

ШИМОЛИЙ ЎРТАБУЛОҚ

Шимолий Ўртабулоқ нефть кони бу минтақадаги конлардан айрича. Бу ерда фақат нефть заҳираси қазиб олинади. Кон 1974 йилда ишга туширилган. Табиийки, замонавий технология ривожланган сайин маҳсулот самарадорлиги ҳам ошиб борди.

— Конимизда, — дейди кон бошлиги Кўчқор Саъдуллаев, — элликта қудуқ ишлаб турибди. Конда вахта тартибидан 245 киши меҳнат қилади. Фарғона, Навоий ва Бухородан келган кончилар ўз касбларига бўлган эътиқодлари туфайли даштнинг аёвсиз шаритини, кум кўчкларни, жазирама ва гармселларни назар-писанд қилмай меҳнат қиладилар. Меҳнат номи билан меҳнат. Уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун

клуб, кутубхона, чўмилиш ҳавзаси, шинам ва ораста ётоқхоналар бор.

Шу пайтгача нефть вертикал йўналишда қазиб олинган, эндиликда АҚШнинг «Бейкер-Хьюз» компанияси ёрдамида Ўрта Осиёда биринчи марта горизонтал йўналиш бўйича нефть қазиб олиш йўлга қўйилмоқда. Бу технология маҳсулот самарадорлигини кескин оширади.

Тан олишим керак, олиффагарчиликнинг ўрни эмас, оддий адабиётчи учун бу мураккаб жараёнларни тушунишнинг ўзи муаммо. Рақамлар бу ҳали шунчаки рақам. Аммо иш жараёни, «қора олтин» деб аталмиш аср мўъжизаси нима? Бу мўъжиза хонадонимизга етиб келгунга қадар ёхуд учқур уловларнинг танасига қон бўлиб қуюлгунча қандай ҳолатларни бошдан кечиради? Мен худди ана шулар хусусида Кўчқор акага савол қилганимда, у киши оппоқ қоғоз юзига ер қатлами шаклини солди ва бутун жараёни тушунтира бошлади. Бу ёғи энди дарсга ўхшарди.

Нефть қазиб олиш жараёни ҳақидаги ҳикояга берилиб кетганимиздан кун оғабганини ҳам сезмай қолибмиз. Ўз касбининг фидойиси бўлган бу инсоннинг суҳбатига тўймайсан. У ер қатлами, унинг таркибий қисмлари, нефтнинг ер қобилигидаги ҳолати, иссиқлик босими, бу босимни жиловлаш усуллари ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Чўл хўрсиниб-хўрсиниб нафас олади. Поёнсиз осмонда кезиб юрган булутлар абадият ҳақида ўй суриб ётган донишманд дашт кўксига бош қўймоқчи бўлгандек қуйи сари оқаверади...

Бу буюк мўъжизага ҳайрат билан тикилиб турган Жумакул ака гўё осмон ва замин ўртасидаги руҳий ришталарни кўз билан кўриб тургандек ҳикоя қилади: «Замин ҳаммаша менинг ҳайратимга ҳайрат қўшади. Бу дунёнинг бор ҳикмати заминда экан. Бу дунёнинг бор сир-синоати ҳам заминда. Замин бизни боқади, парвариш қилади. Яна бир кун бағрига олади...»

Ажабо, гап ер остида оловланиб ётган заҳира хусусида эди. Бу мўъжизавий қудратнинг ҳам таркибида одамзот жисми бормикан?! Ахир, олимларнинг айтишича, ер остидаги маъдан ёнилғига айлангунга қадар башарият миллион-миллион йилларни ортда қолдирган.

...Муборакнинг муборак қадамжолари ва зиёратгоҳлари, танти ва камсукум одамлари, хомуш кечалари, сарвқомат тераклари ва самимий шувуқлари, энди карвон ва карвонбошиларни туш кўриб ётган сардобалари, оппоқ соқолли донишмандлар мангалайига монанд шўрхоқ даштлари, яккам-дуккам қизғалдоқлари ва сипоҳий карраклари, асотиру афсоналари ортда қолди. Мен атиги уч кун дашт қўйнида бор бўйича кездим. Қулочимни ёздим. «Дашт!.. Эй дашт, сени англадимми, билдимми?!» — дедим.

Дашт хомуш эди. Унинг бор ҳикмати вужудида, қат-қабатида, қаър-қаърида эди. У шу қадар хомуш эдики, овозим кенглик бағрида кўнғироқ садоларидек йитди. Осмон адоқсиз худудларини шимолу жанубга, шарқу ғарбга ёйган, барханлар Занжирсарой харобаларидек кўҳна ҳасратларини ёд этарди...

Асқар МАҲКАМ,
Тошкент - Қарши -
Муборак - Тошкент.



XX асрнинг 30-йилларида, сўнг 60-йиллар охирида «Гулистон» журна-ли шундай салоҳиятга эга эдики, ижодкорларнинг эътибори ушбу журналда қай даражада иштирок этиши билан ҳам белгиланар эди. «Гулистон» халқимиз маънавияти тарихида ўзига хос аҳамият касб этган журналдир. У Ватанимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий ойлик журна-ли сифатида қарийб 80 йиллик даврни босиб ўтди. Журнал 1925 йилдан «Ер юзи» (1925-1931), «Ўзбекистон қурилишда» (1931-1932), «Машъал» (1932-1935) номлари билан фао-лият кўрсатди. 1920 йилларда республика-мизда 3 та — «Инқилоб», «Маориф ва ўқитувчи», «Ер юзи» журналлари адабиёт ва санъат ахллари-нинг энг сеvimли журнал-лари бўлиб, улар ўз атрофига даврнинг улуғ ижодкорларини, олимларини бирлаштирган эди.



«Гулис-тон» журна-ли «Ер юзи» номи билан фао-лият кўрсатган йилларда Абдулла Ав-лоний, Абду-рауф Фит-рат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Эл-бек, Шокир Сулаймон, Боту, Ота-жон Ҳошим каби ижод-корларнинг

асарлари мунтазам нашр этилиб турди. Журналга ўз даврининг атоқли журналисти Комил Алиев ва маорифчи-журналист, Ўзбекистон маориф комиссари Маннон Ромиз муҳаррирлик қилган. Журналнинг чоп этили-ши муносабати билан 1925 йил 1-сонида Чўлпоннинг «Бу нима нарса?» номли табрик шеъри босилди:

*«Бу нима нарса?» — деб
Хар ким сўраса,
Дейман «Ер юзи».
Хар ерда юрар,*

рокчиси бўлди. 1920 йилларда адабиётнинг нурли оламига кириб келган Ойбек, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Фафур Фулом, Аб-дулла Қаҳҳор, Уйғун каби шоир ва носир-ларнинг илк асарлари шу журнал орқали дунё юзини кўрди. Тўғри, журналнинг фао-лияти ҳамма вақт ҳам нурли, равон, силлиқ кечмади, ҳаётда юз берган ноҳақликлар, тазйиқлар, қатагонлар ўз таъсирини кўрсат-ди. Бироқ ҳар қандай вазиятда ҳам журнал ҳаётимиз кўзгуси вазифасини бажарди.

«Ер юзи» журна-ли 1925 йил сонларида

ОЛИС - ЯКИН


(Биринчи)

*Хар шайни кўрар,
Хар кимни тоблар:
«Фотохон» қизи!*

«Ер юзи» журна-ли ҳар ўн беш кунда бир мартаба тартиблик суратда чиқиб турадур», — деб ёзади журнал таҳририяти. Таҳрир ҳайъатида Санжар Сиддик, Аъзам Аюб, Сайид Фани, Шокир Сулаймон, Собира Холдо-рова, Вил Ўразой каби ёзувчи ва журна-листлар фаолият кўрсатганлар.


«Гулистон» журна-ли неча ўн йиллар даво-мида Ватанимиз ҳаётида кечган қанчадан-қанча муҳим воқеаларнинг гувоҳи ва ишти-

«Жаҳон адабиёти» рукни остида Рабиндра-нат Тагор, Ярослав Гашек, Фридрих Шил-лер, А.С.Пушкин, Лев Толстой, М.Горький, Мулк Рож Ананд ҳақида мақолалар, асар-лардан таржималар эълон қилди. Журнал-нинг нафис санъат бўлимида «Оврўпода ўзбек санъати» (Муҳиддин Қориёкубов ва Тамарахоним ҳақида), биринчи ўзбек про-фессинал режиссёри Маннон Маждидов Уйғур ҳақида «Санъатни хунар қилиб олган киши», меъморчилик санъати ҳақида «На-фис бинокорлик», «Самарқанднинг осори-атиқалари» каби мақолалар нашр қилинди.



Рўзи ЧОРИЕВ (1931 йилда туғилган) — Ўзбекистон халқ рассоми, академик.

Замондошларимиз



Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ (1945 йилда туғилган) — Ўзбекистон халқ артисти.

В.Шекспирнинг «Хамлет» фожиаси Ўзбек давлат академик театри сахнасида кўйилиши муносабати билан режиссёр Маннон Уйғур ҳамда асосий ролларни маҳорат билан ижро этган Аброр Ҳидоятлов ва Сора Эшонтураева ҳақида анча эътиборли мақолалар эълон қилинди. Маданий ва адабий ҳаётда ўчмас из қолдирган бундай воқеаларни халққа етказишда журнал санъаткорларга ҳамдам ва ҳамкор бўлди.

Қисқа вақт «Ўзбекистон қурилишда», «Машъал» номлари билан фаолият кўрсат-

бек таржимасида), «Борис Годунов» драмасы (бу таржима Чўлпоннинг ушбу журналдаги сўнги асари)дан парча эълон қилинди. Журналнинг 1937 йил 10-сони тўлалигича Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достонининг 750 йиллигига бағишланди. Достоннинг Мақсуд Шайхзода, Миртемир таржималаридаги парчалари эълон қилинди. Журналнинг сўнги саҳифалари Сулаймон Сталскийнинг Серго Оржоникидзегга бағишланган достони билан тўлдирилган. Бу сон грузинларга, шахсан

Сталинга бағишланган-дек таассурот қолдиради.

1937 йилга келиб шўролар ҳукумати журнални журнал қилиб турган Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Элбек, Шокир

Сулаймон каби истиқлол фидойиларини, бетакрор қалам соҳибларини матбуотда танқид қилишдан «халқ душмани» деб оғир гуноҳга мустаҳиқ қилишга, жисман йўқ қилишга ўтди.

Хатто журналга раҳбарлик қилиб турган таҳрир ҳайъати аъзолари Аъзам Аюб, Санжар Сиддик, Комил Алиев, Маннон Ромизлар ҳам занжирбанд қилинди. Қатагон бухронлари минглаб ноёб истеъдодлар ҳаётини хазон қилди, қанчадан-қанча буюк санъат дурдоналари ёзилмай қолди.

Лекин ҳар қандай таъқиб ва тазийқлар

бўлмасин, журнал адабиёт ва санъатнинг ўлмас обидаларини халққа етказишга ҳаракат қилди. Маълумки, 1938 йилдан эътиборан Алишер Навоий ижодий меросини ўрганиш кўмитасида улуг шоирнинг 500 йиллигига қизгин тайёргарлик кетаётган эди.

Бу даврда Фафур Фулом, Ойбек, Собир Абдулла, Ҳабибий, Анисий, Порсо Шамсиевлар Навоий юбилей ҳайъатида ишладилар. Шу муносабат билан «Гулистон» журнали Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб туркум мақолалар, Ойбекнинг «Навоий» романидан парча эълон қилди («Гулистон» 1941 йил, 4-сон).

Шундай қилиб, «Гулистон» журнали иккинчи жаҳон урушига қадар ниҳоятда оғир ижтимоий-сиёсий курашлар жараёнида фаолият кўрсатди.

Узоқ танаффусдан сўнг, 1967 йил январдан «Гулистон» журнали яна тикланди.

Улуғбек ДОЛИМОВ,
Ўзбекистон Миллий университети
доценти.



ТАРИХИМИЗ

мақола)

ган «Гулистон» журнали 30-йилларнинг бошида қишлоқ ҳўжалигини ёппасига коллективлаштириш, қулоқларни синф сифатида тугатишдек машъум ишларда шўроларга дастёрлик ҳам қилди. Бу йилларда журналда миллий зиёлилар Элбек, Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода кабиларнинг асарлари ҳам тез-тез босилиб турди. Журналнинг 1937 йил 3-сони А.С.Пушкин вафотининг 100 йиллигига бағишланди. Ҳамид Олимжоннинг «Салом, Пушкин!» мақоласи, «Евгений Онегин» шеърини романидан парча (Ой-

Фотосуратлар муаллифи Абдуғани ЖУМАЕВ




Толиб йўлдош (1919 йилда туғилган) — болалар шоири.

Замондошларимиз



Руфат РИСКИЕВ (1949 йилда туғилган) — бокс бўйича жаҳон чемпиони.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО НУФУЗИ



Маданий анъаналар кўпинча тарихий анъаналар билан узвий алоқадорликда амал қилади. Марказий Осиёдаги давлатларнинг тарихий тараққиётига назар солсак, XVI-XIX асрлар мобайнида Россия истилосига қадар уч хонликда (Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хева) асосан ўзбек уруғлари давлат тепасида бўлиб келган. Ана шу замонларда Бухоро, Қўқон, Хева шаҳарлари қаторида Тошкент ҳам Ўрта Осиёнинг муҳим молиявий, иқтисодий, илмий ва маданий марказларидан бири эди. Давлат миқёсидаги мана шу ўзбекчилик анъаналарининг республика ташқи сиёсат масалаларига ҳам самарали таъсири бор. Аммо бу фикр Тошкентнинг моддий ва сиёсий жиҳатдан бошқа шаҳарларни босиб туриши маъносида эмас, балки унинг бошқа Марказий Осиё давлатларининг ўрталлиги, маданий марказга айланганлиги маъносини аңглатади. Аммо, афсуски, Тошкентнинг шу маънода марказлигини қўшни давлатларнинг баъзи сиёсатчилари тўғри тушунмайдилар ва Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёда марказий мавқени эгаллашга интилаётгани, рақобат қилаётгани деб тушунадилар.

Тарихнинг барча давлари гувоҳлик берадики, юртимиз доимо барча халқларнинг сайёҳлари, савдогарлари учун дарвозаси очик, меҳмондўст гўша бўлиб, халқимиз руҳияти — менталитетида бировларга ёмонлик тиллаш, ёқтирмаслик эмас, балки теварак-атрофдаги қўшчиларга ишонч ва ҳурмат билан қараб, ҳар томонлама уйғунлашув устун келган. Тарихий-этнографик манбалар ҳам шуни тасдиқлайди.

Турли истилочилар маҳаллий халқларни аввалги маданиятидан, диний эътиқодларидан воз кечтириб, кўчманчи ҳаётга, кўпол жангариликка ўргатишга уричдилар, ҳатто мажбур қилдилар. Лекин уларнинг бу уричишлари чиппақка чиқди, маҳаллий аҳоли уларнинг жабр-зулмига қарши исёнлар билан жавоб бердилар. Зардуштийлик эътиқодига хос юксак маданият эгалари бўлгани учун ҳам маҳаллий аҳоли ислом маданиятини тез ўзлаштирди ва ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, аз-Замаҳшарий каби алломаларимиз жаҳон исломий илм фани ва маданияти хазинасини шох асарлари билан бойитдилар. Шу алломаларимиз шарофати билан Бухорои шариф ис-

лом оламида Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварадан сўнг учинчи муқаддас шаҳарга айланди.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон халқлари аввалги замонлардаги каби ҳамон ижтимоий барқарорлик, тинч-тотувлик, халқаро савдо-сотик ва маданий алоқаларни ривожлантириш каби маънавий қадриятларга катта эътибор билан қарайди.

Урта Осиё ва жаҳон тарихида ёрқин из қолдирган соҳибқирон Амир Темурнинг номи, темурийлар давлатининг ҳаққоний тарихини тиклаш юзасидан жуда катта тадбирларнинг амалга оширилиши бу ердаги сиёсий маданиятнинг равнақини кўрсатади. Шўролар даврида бу буюк зотнинг номи ҳам, унинг ижобий ишларини ёзиш ҳам давлат томонидан расман таъқиқланган эди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Амир Темурнинг «Рости-русти» — «Куч — адолатда» шиори давлатимиз фаолиятига асос қилиб олинган.

Соҳибқирон давлатни бошқариш ҳақида айтган эдики: «Султон ҳар ишда адолатпеша бўлсин, қонини инсофли, адолатли вазирлар сакласин, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агар вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай, салтанат уйи қулайди». Яъни: «Оқилона, пухта ўйлаб, кенгашиб қилинган тадбир курул кучидан кўра ун қарра фойдалирокдир».

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов 1993 йилда Тошкентда соҳибқирон хайкалининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида ҳам, 1996 йилда Парижда — ЮНЕСКО штаб квартирасида «Темурийлар даврида фан, маданият ва маърифатнинг гуллаб-яшнаши» мавзусидаги нутқида ҳам Амир Темурнинг хикматли сўзларини мисол қилиб келтирган. Ўзбекистонда ёшларни бўлғуси элита-давлат раҳбарларини тарбиялашда ҳам Амир Темурнинг меросидан самарали фойдаланилмоқда. Юртбошимиз Давлат ва жамяят қурилиши академиясининг очилиш маросимида ҳам бўлғуси раҳбарларни вояга етказиш ишида соҳибқироннинг давлатни бошқариш тажрибаларидан фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтди.

Миллий, анъанавий маданиятни диний қадриятлардан ажратиб тасаввур қилиш мумкин эмас. Ўзбекистон раҳбарияти бу

соҳага ҳам катта эътибор билан қарамоқда. Тўғри, Ўзбекистон дунёвий давлат сифатида демократик муносабатларни шакллантириш, фуқаролик жамятини қуриш йўлидан бормоқда. Айни вақтда исломий қадриятларга кенг йўл берилиши, Тошкент ислом университетининг очилиши, ал-Бухорий, ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний ва бошқа атоқли дин арбобларининг таваллуд саналари катта байрам қилиниши юртимизнинг аввалги асрларда диний маърифат марказларидан бири сифатидаги мавқеи яна тикланаётганидан далолат беради. Бу тадбирлар Ўзбекистон жаҳон ҳамжамятида илғор Шарқ давлатлари каби дин ва дунёвийликни уйғунлаштириш йўлидан бораётганини кўрсатади.

Ўзбек менталитетига маҳдудлик, тажовузкорлик бегона бўлиб, ўзбеклар табиатида тинчликсеварлик устун туриши бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларда ҳам ҳаётбахш таъсир кўрсатади. Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, савдо-сотикни ривожлантириш, ҳозирги замон руҳига мос келувчи тинчлик, юксак орзу-умидлар билан яшаш — буларнинг барчаси халқаро тинч-тотувлик учун хизмат қилади. Шуларнинг ҳаммаси Ғарб ва Шарқ одамларининг табиатидаги кескин тафовутларни камайтиради.

Республикада демократик ислохотларнинг чуқурлашуви яна шунинг учун аҳамиятлики, ҳозирги дунёда демократик давлатлар ўзаро уришмайдилар, халқаро муносабатларда низолар келиб чиқса, тинч музокаралар йўли билан ҳал қиладилар. Бу эса тинчликни барқарорлаштиришнинг муҳим шартидир. Ташқи сиёсатдаги бундай оқилона йўналишни маҳаллий аҳоли, фуқаролар ҳам қўллаб-қувватлайди. Демократик руҳдаги давлат ички ва ташқи сиёсатда аҳолининг сиёсий маданиятига суянади.

Ўзбекистон раҳбарияти ҳам тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш, ўзаро дўстона иқтисодий, маданий муносабатларни ривожлантиришдан иберат ташқи сиёсатида фуқароларнинг етук сиёсий маданиятига таянади.

Севара ШАРОПОВА,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети ўқитувчиси,
фалсафа фанлари номзоди

Ўзбекини дўшиси

бошида анвор,

Белбози ва шўни

мисоли дўст-ёф.

Сийму 'Зарин олсам

олми-у, аммо

Шегма дўши, белбоз,

шўнига Зинхор!



Фотосурат муаллифи Турғунбек МАҲКАМОВ.



қўрбошилари хусусида яқин пайтгача ҳеч қандай маълумотлар учрамас эди.

Сўнги 15 йиллик изланишлар натижасида эса Туркистонда ўша пайтда 3 та аёл қўрбоши ва 2 та полвон аёл ўтганлиги ҳозирча аниқланди. Архив манбаларининг гувоҳлик беришича, Фарғона водийсидаги ватанпарварлар сафида ўзбек ва қирғиз аёлларидан чиққан қўрбошилар ҳам бор эди. Хусусан, Муҳиддинбекнинг онаси ва Шакархон қўрбоши (? – 1921) бошчилик қилган гуруҳлар шўро босқинчилари юрагига даҳшат солган.

Муҳиддинбек (тахминан 1877-1922) Ўш уезди ва Олой воҳасида кўп йиллар давомида қизил армияга қарши мардонавор курашди. Бироқ 1922 йил 5 июнда душман қўлига тушди. Муҳиддинбек (ҳужжатларда Муҳиддин Каттабек Усмон Алиев) ва унинг 7 нафар шериги 1922 йил 26 сентябрда Ўшдаги Азрет (Ҳазрат) масжидида бўлган Инқилобий ҳарбий трибунал йиғилишининг ҳукми билан отиб ўлдирилди (IV-жилд, 572-574-варақлар).

Муҳиддинбекнинг ўлимидан кейин унинг ОНАСИ (афсуски, бирламчи манбада бу жасур аёлнинг номи

Туркистон аёл қўрбошилари

Туркистон аёллари учун Ватан истиқлоли ва унинг тинчлиги муқаддас эди. Олис ва яқин тарихда босқинчиларга қарши аёлларимиз ҳам бир неча бор жанг майдонларида от сурганлиги, ватанпарвар ва ёвқур қўшинларга бошчилик қилганлиги сир эмас.

Массажетлар маликаси Тўмарис жасоратини, унинг босқинчи Эрон шоҳи Кир II қўшинини қандай тор-мор қилганини ҳаммамиз яхши биламиз. Араблар Бухорога бостириб келганларида мамлакат ҳукмдори— бухорхудот аёл бўлган. У кўп йиллар давомида Бухорони араблар тажовузидан сақлаб қола олди. Чингизхон қўшинлари Хоразмшоҳлар давлатининг пой-

тахти Гурганч (кўхна Урганч)ни қамал қилганларида шаҳар мудофааси учун бўлган жангларда аёллар айрича жасорат кўрсатганлар. Гурганч мўғуллар томонидан босиб олинса-да, Хоразм аёлларининг жанг қилиш усуллари ва ҳарбий маҳоратига ҳатто душманлар ҳам тан беришган экан.

«Олой маликаси» номини олган машҳур Курбонжон додхоҳ жасоратини ким билмайди, дейсиз! Бироқ XX асрнинг 20-йилларида мустабид совет режими ва босқинчи қизил армияга қарши фидокорона курашган ватанпарварлар сафида ўзбек ва бошқа қардош халқларнинг аёллари ҳам бўлганлиги маълум бўлса-да, лекин тарихий тадқиқотларда аёл

кўрсатилмаган) ўғлидан қолган ҳарбий гуруҳга бошчилик қилган ва Ўш уездида қизил аскарларга қарши мардонавор курашган (Ўзбекистон МДА, 25-фонд, 2-рўйхат, 38-иш, 4-в).

Муҳиддинбек 45 ёшида ўлдирилганлигини инобатга оладиган бўлсак, бу пайтда унинг онаси тахминан 65-70 ёшларда бўлган. Бироқ юрт истиқлоли учун курашган бу жасур аёл кексаликни писанд қилмай шахсан ўзи отга миниб ёвга қарши курашган. Унинг жасоратига қизил армия қўмондонлари ҳам тан берган. Афсуски, бу довурак аёлнинг 1923 йилдан кейинги тақдири ҳақида ҳужжатлар сукут сақлайди.

ШАКАРХОН ҚЎРБОШИ Фарғона во-

дийсидаги жасур аёлларнинг XX асрдаги вакиласи эди. У Олтиариқнинг Полосон қишлоғида туғилган. Отаси — Уста Холиқбой узоқ йиллар Олтиариқ бозорида оқсоқоллик қилган. Шакархон отасининг эркаси, мағрур ва гўзал қиз эди. Анча тортишувлардан кейин кўнчи бойлардан Отажон унга уйланади. Ёш келин-куёв Риштоннинг Қайрағоч қишлоғида янги ҳовли солиб, шу ерда муқим яшаб қолишади. Уларнинг уч қиз ва бир ўғли бўлган. 1916 йили Отажонбой вафот этиб, Шакархон бева қолди. У беваликнинг барча машаққатларига чидаб, фарзандлар тарбияси билан шуғулланди.

1918 йилнинг ёзида олтиариқлик Тўйчи кўрбошининг Тошқўрғон қишлоғидаги уйига қуролланган 30 йигит ҳамроҳлигида эркакча кийиниб олган Шакархон кириб келади. Тез орада у 500 йигитдан иборат ҳарбий дастага раҳбарлик қилди ва Шакархон кўрбоши сифатида Фарғона водийсида машҳур бўлди. Унинг йигитлари Қайрағоч қишлоғини қизил аскарлардан ҳимоя қилишган. 1918 йил кузида унинг ёлғиз ўғли Одилжон қўлга оли-

Нодира қиз 1904 йилда Бухоро амирлигига қарашли Кармана беклигидаги Зиёвуддин қишлоғи (ҳозирги Самарқанд вилояти Пахтачи туманининг маркази Зиёвуддин шаҳри)да Мулла Раҳматиллабой хонадонидида туғилган. У ёшлигида савод чиқариш билан бир қаторда чавандозлик ва тирандозлик каби ҳарбий жанг санъати усулларини пухта эгаллади. Нодира ҳуснда тенгсиз қиз бўлса ҳам, тақдир тақозоси билан турмушга чиқмаган.

1923 йили қизил аскарлар Зиёвуддин қишлоғига бостириб кириб, унинг икки акасини ўлдиришади. Нодира бу фожиадан кейин икки йилча Бухорода босқинчи қизил армияга қарши жангларда қатнашди. Кармана ва унинг атрофларида Нодира қизнинг довруғи таралиб, тиллардан тушмади. Юрт қўлдан кетганлигини кўрган Мулла Раҳматиллабой 1925 йили ўз оиласини олиб Афғонистонга жўнаб кетишга мажбур бўлган.

Саид Мансур Олимий «Бухоро— Туркистоннинг бешиги» асарида гувоҳлик беришча, Афғонистонда Нодиршоҳ ҳукмронлиги даврида (1929-1933 й.) туркистонлик муҳожирларнинг аҳволи

қилич билан чопиб ташлайди. Нодира ўз атрофига туркистонлик муҳожир аёллар ва қизларни тўплаб, улардан махсус даста тузади. Бу аёллар афғон маъмурларидан ўз озодликларини Нодира бошчилигида ҳимоя қилишади. Унинг номи яна Нодира қиз сифатида туркистонлик муҳожирлар ўртасида машҳур бўлади.

1930 йили Нодира ўз дастаси билан Таҳор вилоятининг маркази Толиқонда турган Иброҳимбек (1889-1932) сафига келиб қўшилди. Туркистоннинг машҳур лашкарбошиси, Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатининг тан олинган йўлбошчиси Иброҳимбек Кармананинг бу жасур қизи билан ота-бола тутинади.

1931 йил баҳоридида Иброҳимбек СССР худудига кирганида унинг қўшини сафиди Нодира қиз ҳам бўлган. Унинг қуролли гуруҳи қизил аскарларга кучли зарбалар берган. Афсуски, Нодиранинг 1931 йилнинг ёзидан кейинги тақдири номаълумлигича қолмоқда. На архив ҳужжатлари, на замондошларининг хотиралари, на гувоҳларнинг шохидликлари бу ҳақда лом-мим демай сукут сақламоқда. Нодиранинг қисмати сирлар пардасига чулганганча қолиб кетмоқда...

Аёллардан полвонлар ҳам (улар гушна дейилган) чиққан. Масалан, ғиждувонлик Салима жинжак (1901-1937) номли гушна аёл истиқлолчиларнинг хуфияси ҳисобланиб, уларга муҳим маълумотларни етказиб турган. Замондошларининг хотирлашича, у жуда баҳайбат ва полвон аёл бўлган. Шўрчилик Ибодат Баттол (1900-1923) исмли аёлнинг фаолияти ҳам таҳсинга сазовор. Афсуски, Фарбий ва Шарқий Бухорода 1920-1935 йилларда 117 та эркак ва аёл полвонлар ҳамда кўрбошилар қизил армияга қарши курашда нобуд бўлишган.

Миллат оналари ҳисобланган Туркистоннинг бу аёллари ўз мардликлари ва ватанга садоқатлари билан ватанпарварлар ўртасида катта ҳурматга сазовор бўлишди. Туркистон мустақиллиги учун бўлган ҳаёт-мамот курашида аёл кўрбошиларнинг аксарияти юз минглаб истиқлолчилар сингари ҳалок бўлишса ҳам уларнинг фаолияти изсиз кетмади. Миллий озодлик ғояси сўнмай, балки бутун совет режими даврида ҳам яшашда давом этди.

Қаҳрамон РАЖАБОВ,
тарих фанлари номзоди



Қисмати

ниб, чекистлар томонидан отиб ташланади. А.Ибодинов ва Ю.Эминовларнинг ёзишларича, 1921 йил охирида Қайрағоч қишлоғида қизил аскарлар билан бўлган тўқнашувларнинг бирида Шакархон кўрбоши ҳалок бўлди.

Шакархон кўрбошининг Турғуной, Адолат, Лазокат исмли қизлари ўқимишли аёллар бўлиб етишган. Бироқ кейинчалик унинг қариндош-уруғларидан кўпчилиги қатағон қилинди. Улардан тирик қолган айримлари ҳозирги пайтда Полосон қишлоғида яшайди.

Бухоро ва Хоразм республикаларида ҳам аёллардан кўплаб кўрбошилар чиқиб, мустақиллик учун кураш тарихига шонли саҳифалар битишди.

Карманалик НОДИРА ҚИЗ (1904— ?) улардан бири ҳисобланади.

ниҳоятда оғирлашган. Бу пайтда Афғонистонга нисбатан СССРнинг тазйиқи ҳам кучайган эди. Қизил армия жангчилари афғон ҳарбийлари либосини кийиб, Афғонистонда бемалол изғиб юришган. Бундан ташқари қизил қўшинлар 1929 йил апрель-май ва 1930 йил июнь ойларида Афғонистонга икки марта бостириб кириб, мамлакатнинг янги амири Ҳабибулла-хон (1890-1929) ва бу ерда турган туркистонлик ватанпарварларга қарши курашган эди.

Ана шундай тўс-тўполонлар даврида икки афғон ҳарбийси Нодиранинг уйига кириб, кўз ўнгида ота-онасини ўлдиришади ва унинг номусига тажовуз қилмоқчи бўлишади. Бундай ёвузликни кўрган Нодира ҳар икки аскарни



Мўъжиза

Кун кўннинг ичига ўрнашди чоги,
Бирдан майин тортиди қахратон-қахр.
Қоп-қора булутлар оп-оптоқ ёғди,
Эрта бир мўъжиза бўлажак содир.

Дарахтлар титракда эди - тўхтади,
Бог улар устига ёйди оқ чодир.
Қаргалар сайради — қушга ўхшади,
Эрта бир мўъжиза бўлажак содир.

Сукунатга келди кумушдай жаранг,
Йўл бўлса, жимлик ҳам гапирар ахир!
Чиндан йитдимикан барча сўник ранг,
Эрта бир мўъжиза бўлажак содир.

Пастлик баландлади, кенгайди торлик,
Сувлар кўнайишди, ҳаволар аттир.
Севганин кутгандай ясанар борлик,
Эрта бир мўъжиза бўлажак содир.

«ХАЁЛДА ТУРМАЙ»

Хаёлда энг ўтли соғинч уйғонди,
Хаёлда тирилди энг буюк хотир.
Тилакда умиднинг шамлари ёнди,
Эрта бир мўъжиза бўлажак содир.

Худойим, қароғим ёшланмоқдами,
Худойим, юрагим урарми ботир?
Бизда-да ўзгартиш бошланмоқдами,
Эрта бир мўъжиза бўлажак содир.

Икром

Айтолмадим. Айтолмаганим
Ичга қайтди — тош бўлиб қотди.
Майдаланди гурурим маним,
Синиқлари огритиб ботди.
Сасланмаган ҳар сўз — нарча тоғи,
Юрак мени этар тошбўрон.
Мунгайди руҳим эзиб боғи,
Оғриб-оғриб жон берар исён.
«Сиз ноҳақсиз, шу бечора ҳақ».
Битта жумла. Биргина нафас.
Шу нафасни асрадим, бироқ
Кўрқув солди шалдираган сас.

Бир бор қилмай чин изҳори дил,
Халқ ҳақи деб бир бор турмай тик.
Биз сеники, десак бемалол
Юзимизга туфла, Озодлик.

Орзу

Ўйчангина қизим, бўйчангина қизим,
Хусайни бармоқлари чечангина қизим.
Тилаб-тилаб олган тиловқушимсан,
Чўғ устида унган найқамишимсан.

Гоҳ ҳақ истагида мен доғланаман,
Жошимга ўт тушиб, қуроқланаман.
Чақмоқ қарашингда баҳорий қувват,
Термулсам, тўламан, ирмоқланаман.

Кувонч қоямдаги гурур байрогим,
Сийм сандигимда олмос балдогим.
Ҳарна тимсол топсам, ундан баландсан,
Чирогим, чақногим, гулим, япрогим.

Энди муножотим сенга ишондим,
Шаҳду шижоотим сенга ишондим,

Тарих ва тақдир

Бу воқеалар Искандар Мақдуний замонидан сал кейин, милoddан аввалги III аср охирларида юз берган. Юлий Цезардан уч аср аввал ҳам Рим империясининг енгилмас деб шуҳрат қозонган легионлари, Рим диктаторлари бутун дунё мамлакатларини босиб олишни, ер юзида ягона салтанат тузишни орзу қилган эдилар. Ўрта Ер денгизи атрофидаги ва Осиёдаги жуда кўп мамлакатларни ўз мустамлакасига айлантирган Рим давлатининг энг кучли рақиби — Африка шимолидаги Карфаген эди. Уша вақтда Сицилия ороли Рим ва Карфаген ўртасида низо манбаи эди. Бу оролдаги Сиракуза давлати бой ва обод эди.

Римнинг Сицилия ишларига аралашуви Карфаген билан алоқанинг бузилишига олиб келарди. Карфагеннинг ҳарбий кудрати ошаётганидан римликлар хавотирга тушиб қолдилар. Рим сенати Карфагенга, давлат раҳбари Жамилкор хузурига элчилар юбориб, ўзаро шартнома тузишга эришди. Шартномага кўра, Испаниянинг ярми Карфагенга ўтди, қолган ярми Рим таъсир доирасида қолди. Аммо карфагенликлар бош кўмондони Гаструбал босиб олинган ерлардаги аҳолини турли бож, хирож, оғир солиқлар билан хонавайрон қилди ва маҳаллий аҳолининг нафратини кучайтирди.

Милoddан аввалги 229 йилда Жамилкор Иберия (Испания)га қарши жангларда ҳалок бўлди. Шундан сўнг Карфаген кўшинларига унинг ёш ўғли Ханнибал бош кўмондон қилиб тайинланди. У жуда ёшлигидаёқ отаси билан Рим истилочиларига қарши жангларда қатнашган, жасур ва паҳлавон бўлиб ўсган эди. У подшоҳ ўғли

Ханнибал



бўлса ҳам ўзини халқ орасида оддий тутар, жангларга биринчи бўлиб кирар ва охириги бўлиб чиқар эди. У душманларни чалғитишга, ҳарбий тактикани вазиятга қараб тез ўзгартиришга моҳир эди. Ханнибал отасининг васиятига кўра, Римга қарши уруш бошлади. Асли Карфаген ҳукуматининг бошқа етакчилари бу урушга қарши эдилар. Оқибатда Рим бир вақтнинг ўзида ҳам Карфагенга, ҳам Испания — Иберияга юриш бошлади.

Аммо Ханнибал кутилмаган юриш қилди. У асосий кўшинларни Италияга — Римга йўналтирди. Денгиздан борилса Рим флотига дуч келишини ўйлаб, шу вақтгача ҳеч ким қилмаган ишга қўл урди — қишгача яхши тайёргарлик кўриб, Алп тоғларидан ошиб ўтиб Италияга бостириб кирди. Кўшиннинг бир қисми Алп тоғларидан ўтишда қаттиқ совуқдан қирилди. Ханнибал 50 минг пиёда, 9 минг отлик кўшин ва бир қанча жанговар филлари билан Рона дарёси соҳилларига етиб келди.

Рим саркардаси Публий Корнелий Сципион денгиз бўйлаб Испанияга бораётиб, Рона дарёси соҳилларига (қўшинга дам беришга) тушган эди. Худди шу вақтда Ханнибал кўшинлари келиб, дарёнинг нариги соҳилига ўтишга тайёрланди. У ёқда уларни Рим иттифоқчилари бўлган Галлия кўшинлари кутиб турган эди.

Душман кўз ўнгида дарёни кечиб ўтиш қийин эди. Ханнибал мана шу қийин аҳволдан ҳам чиқиш йўлини топди. У яширин равишда кўшиннинг бир қисмини дарёнинг юқорисига юбориб, «кечикдан ўтиб, галларнинг орқа тарафидан гулхан ёқинлар», деб буюрди. Узи турган жойида бир қисм жангчилар билан сол ясаб, дарёдан ўта бошлади. Галлар буларга ҳужум қилди.

Шу пайт юқоридан айланиб, орқага ўтган карфагенлик жангчилар гулхан ёқиб, галларга ҳужум бошладилар. «Қуршовда қолибмиз», деб кўрқиб кетган галлар тартибсиз қоча бошладилар. Бундан фойдаланган Ханнибал эса асосий кўшинни Италия томонга ўтказиб олди.

ЭЖТ БУЗОК ЖОЖИР»

Рози кетдингизми?

Қизғалдоқ баргидай икки жуфт китоб,
«Мен ҳақман» дегувчи бир жуфт қорақўз,
Қалбида довуллаб ётса-да оғтоб,
Кўп аёзлар кўрган мискингина дўст...
Етганим шу бўлди, шу бўлди имкон,
Рози кетдингизми менадан, онажон?

Тоғ кесиб, дарёлар бошлаб келмадим,
Ҳансираб ётибди Орол — толгин от,
Эртақ одамча бўла билмадим,
Эртақ эртақ экан, ҳаёт — бу ҳаёт.
Етганим шу бўлди, шу бўлди имкон,
Рози кетдингизми менадан, онажон?

Қуёш ўз ўтидан бўлганда беҳол,
Узоқ осмонларга боқиб эландим.
Бола тилагандай бефарзанд аёл,
Қақраган ерларга ёмғир тиландим.
Етганим шу бўлди, шу бўлди имкон,
Рози кетдингизми менадан, онажон?

Ҳали китобларим бўлар бир даста,
Ўжар болаларим бахти ярқирай.
Ёмғирлар ёғади тиниқ, оҳиста,
Қумларнинг ўрнида дарё ҳайқирай...
Етганим шу бўлди, шу бўлди имкон,
Рози кетдингизми менадан, онажон?

Тилга босдим, ўчди сўзим учқун,
Лабимда жилмаяр таскиним нақши.
Хар нарсга азиздир, дунё уч қурилиқ,
Қийналиш — табиий, яшамоқ яхши,
Етганим шу бўлди, шу бўлди имкон,
Рози кетдингизми менадан, онажон?

Умидим бир бошим умиди эмас,
Орзум ижобатин сенга ишондим.

Бутун бўл, ушата олмасин ҳеч ким,
Кучли бўл, тош ота олмасин ҳеч ким.
Озод инсон деган зўр мансабга ет
Ва ундан бўшата олмасин ҳеч ким.

Айи гўёем

Муножотхонга

Сени ўнг қўл билан яратмиш Тангерим,
Ё бўлак йўл билан яратмиш Тангерим.
Юзинг гулзорига қай султон соқчи,
Ўғирлай билмабди йиллар — қароқчи,
Айи дўст, мен аслида ҳуснингга дўстман.

Исмингга энг нозик ишорат тушимши,
Найғамбарлар билган сирли хат тушимши.
Шунданми отингга тоғлар харидор,
Кўйиб ётган кўйлар — титроқлар харидор,
Айи дўст, мен аслида исмингга дўстман.

Лабинг гулбаргида ярқирай сўзинг,
Беморми, бедорми чақирай сўзинг.
Ёрилтош қошида сим-сим мақомли,
Тилло тасбеҳлардай тилсим мақомли,
Айи дўст, мен аслида сўзингга дўстман.

Юрак тўлқинларинг бизга ҳувайдо,
Доғи ҳувайдодир минг бир сувайдо.
Тўлқинлар тувида тошқўрғонинг бор,
Биламиз, унда бир яширғонинг бор.
Айи дўст, мен аслида ўзингга дўстман.



Буни сезиб қолган Сципион отлик жангчиларини Ханнибалга қарши ташлади. Римлик отликлар қисқа жангларда карфагенликларнинг бир қисmini қириб ташладилар. Аммо саркарда Сципион етиб келганида Ханнибалнинг асосий қўшини Рона дарёсидан Италия томонга ўтиб олган эди. Сципион Италияни кутқариб қолиш учун лашкарларини кемаларга ўтказиб, Римга етиб келди. Карфагенга Сицилия орқали бораётган Рим саркардаси ҳам чақириб олинди.

Римликларнинг 80 минг пиеда ва 6 минг отлик қўшини Гай Теренций Варрон ва Луций Эмилиий Павел етакчилигида Ханнибалга қарши юриш бошлади. Милоддан аввалги 216 йилнинг бошларида Ханнибал Ядрон денгизи (Адриатика)нинг жанубий соҳилидаги Апулия вилоятига келиб, Канн шаҳрини эгаллаб, жангга шай турган эди.

Жаҳон ҳарбий санъати тарихида машҳур бўлиб кетган Канн жанги ҳақида муаррихлар кўп ва ҳўб ёзганлар. Рим сенати фармони билан қўшинларга бир куни бошқа, иккинчи куни бошқа саркарда кўмондонлик қилар эди. Ханнибалга биринчи хужум қилишга Эмилиий Павел қарши эди. Аммо Теренций Варрон бош кўмондонлик навбати келган куни хужумни бошлаб юборди.

Ханнибал Карфаген қўшинини ярим ой шаклида сафга тузиб, «ёй»нинг ўртасига галлиялик ва ибериялик 20 минг кучсизроқ жангчиларини, «ёй»нинг икки четига эса ливиялик энг кучли, жасур араб баҳодирларини қўйди. Рим кўмондонлиги «Ханнибал энг кучли қўшинларини марказга қўйган», деб ўйлаб, бор кучларини ўртага ташладилар. Ханнибалнинг марказдаги жангчилари

римликларнинг қаттиқ хужумига чидай олмади, орқага чекиндилар — «ёй» ўртаси ичига эгилди. Оқибатда Рим қўшини қуршовда қолди.

Орқадан хужум қилган отликларга юз бурган римликларга икки ёндан ливиялик пиедалар хужум қилдилар. Римликларнинг сафи бузилди, ваҳимага тушиб қаттиқ қаршилик кўрсатолмадилар.

Канн жангининг охирида 80 минг Рим лашкаридан 54 минг ўлдирилди, 18 минг асирга тушди. Шу жангда римлик бош кўмондон Эмилиий Павел ҳалок бўлди. Иккинчи саркарда Варрон жуда оз жангчилари билан чекинди. Ханнибал бу жангда 6 минг жангчисидан айрилди, холос.

Канн ғалабаси оқибатида Рим империяси Жанубий Италиядаги жуда кўп мулклари ва иттифоқчиларини йўқотди. Сицилия оролидаги Сиракуза давлати ҳам Карфаген тарафга ўтди. Канн мағлубиятида асосий қўшинларидан айрилган Рим сенати қаттиқ қайғурса-да, тез орада ўзини ўнглаб олди. Пойтахтни мудофаага тайёрлай бошладилар. Озгина жангчилари билан етиб келган саркарда Варронни сенаторлар пешвоз чиқиб, иззат-ҳурмат билан кутиб олдилар.

17 ёшдан то жангга яроқли барча фуқаролар ҳарбий хизматга чақирилди. Рим сенати ҳатто 8 минг ёш кулларни озод қилиб қуроллантирди. Содиқ қолган барча иттифоқчи давлатларга ёрдам сўраб элчилар юборилди. Тезда яна кучли армия тикланди.

Янги Рим ўрдуси биринчи зарбасини Сицилияга қаратди. Сиракузада бу вақт буюк аллома Архимед янги қуроллар кашф этиб, шаҳарни фаол мудофаа қилди. Рим қўшинлари Сиракузани бир

ярим йил қамал қилиб, охири шаҳарга бостириб кирдилар. Ханнибал иттифоқдош Сиракузага вақтида ҳарбий ёрдам юборолмади. Чунки у ёш ва истеъдодли Рим саркардаси Сципионнинг Карфагенга ва Испанияга хужумларини қайтариш билан овора эди.

Ханнибалга ёрдамга ошиққан акаси Гасдрубал ҳам Алп тоғларидан ошиб ўтиб, Шимолий Италияга келди. Аммо кучли Рим лашкарига дуч келиб жангда ўлдирилди. Ханнибал ҳеч кимдан ёрдам олмаган ҳолда яна бир неча жангда римликларни мағлубиятга учратди. Бу орада Испанияда карфагенликлар устидан ғалаба қозонган Сципион қўшинлари кемаларда Шимолий Африкага етиб бориб, Карфагенга юриш бошлади. Карфаген ҳукумати бундан кўрқиб, Италиядан саркарда Ханнибални чақириб олди.

Шу вақтгача бирор жангда енгилмаган Ханнибал ватанини ҳимоя қилишга, 16 йил давом этган Италия сафаридан қайтиб келди.

Милоддан аввалги 202 йил баҳорида Карфаген жанубидаги Замма водийсида II Пуния урушининг ҳал қилувчи жанги бошланди. Бу жангда Ханнибал ва Сципион қўшинлари тўқнашдилар.

Замма жангида ёлланган араб отликларининг римликлар тарафига ўтиб кетиши Сципионга ғалаба олиб келди. Нумибияликлар бевафолиги сабабли Ханнибал ҳаётида бир марта енгилди. Аммо жангдан омон чиқди...

Маҳкам АНДИЖОНИЙ
тайёрлади

ФИКРНОМА

Ҷмр қанчалик узун бўлмасин, барибир у бир куни тугайди.

Ғоя қанчалик кучли ва асосланган бўлса, у шунчалик кўп одамларни ўзига қамраб олади. Шунинг учун одамларни кўрқитиб эмас, балки кучли ва асосланган ғоя атрофида тўпламоқ керак.

Ақлли кишига ҳам осон, ҳам жуда қийин.

Мақтовни ёмон кўрган одам ҳам маҳорат билан қилинган мақтов олдида таслим бўлади.

Ёлгон дунёда яшаётган бўлсанг ҳам ёлгон гапирма.

Аёл зоти гўзаллик ва чидамлилиқ тимсоли.

Қўпгина истеъдод эгалари — олимлар, ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар ижоди билан танишсанг қойил қоласан, маза қиласан. Бироқ таниқли ижодкорларнинг ҳаммаси ҳам яхши инсон бўлавермайди. «Олим бўлиш мумкин, одам бўлиш қийин» деб шунга айтишса керак.

Тўзаллик абадий эмаслигини капалакни қуртга айланишидан билса бўлади.

Мобут ва амал курсисининг доимий эгаси бўлмайди.

Олимлар — келажак жарчилари.

Энг катта йўқотиш — бу ўзликни йўқотиш.

Қорин тўйдиришни унутмагандек, ақлни озиқлантиришни ҳам унутмаслик лозим.

Энг кучли одамлар ҳам оламдан ўтади, кучли ғоя, фикрлар эса ҳеч қачон ўлмайди.

Қизлар тўқликда керак, йигитлар йўқликда керак.

Ёмон фикрни туғилмасидан ўлдир. Агар у туғилиб, ривож топиб кетса, бориб-бориб ўзингни ўлдириши мумкин.

Ҷўни қуришдан бузиш осон бўлганидек, инсонни тарбиялашдан тарбиясини бузиш осон.

Усмон ҚОРАБОЕВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Ватан

сўврати

Ватан — бу илоҳий калом Қуръонда “Оёқ босиб турган ер”ни англатади. Ватан — оёғимиз бу кўхна замин устида турган жойдир. Бошқа жойда қушдай енгилгина қанот қоқиб, Аршдан ой осмонигача парвоз қилиш мумкин дир, эҳтимол, аммо у Ватан эмас.

“**В**атан” сўзининг луғавий маъносини биламиз. Аммо уни ҳали ҳеч ким бус-бутунича ифода қила олган эмас. Чунончи, нега одам боласи ҳамма нарсага дош бера олган ҳолда Ватандан жудолликка дош бера олмайди?

Ватан. Унинг бус-бутун номи — Жон, Эътиқод, Ишқ. Фақат Ватан учун яшасанг арзийди. Фақат Ватан учун жон тиксанг қанийди!

Ватан — аждодларимизнинг мангу руҳлари яшаётган марқаду мазорларимиз. Улар бизнинг бошимиз устида бедор ва қоим тураркан, фақат Ватанни тарк этмасликка чақиради. Ватанни ташлаб кетган зотлар ортида руҳларгина эмас, мазорлар ҳам чирқирайди.

Ватан — болаларимиз бешиклар ҳижоби ортидан оламга ташнажон термилган осмон тоқи. Бу бешик Ватан остонасидир. Кимки бир марта ана шу бешикка беланса, Ватаннинг бир парчаси унинг жонига айланади. Бу “жоннинг жони” деб юритилади. У ҳатто жоннинг ўзи билан-да чиқиб кетмайди.

Ватан — сиз кўриб турган осмонўпар тоғлар, ям-яшил қир-адирлар, бўйчан дов-дарахтлар, зилол чашмасорлар, кўм-кўк ўтлоқлар, шовиллаган ўрмонлар, булутли осмон, саховатманд замин...

Ватан — кўзингиз ўнгида шовиллаб ётган олтинранг бугдойзор. Оналаримиз, муниса сингилларимиз каби бош эгиб турган бошоқларга бир боқинг-а. Дунёга ризқ улашиб, очни тўйдириб, бош эгиб турган бу деҳқон Ватанга бир назар ташланг.

Бу замин — **ЎЗБЕКИСТОН.**
Қутлуғ, табаррук, муқаддас юрт!



Ўзбекистон давлат Консерваториясининг
КОШОНАСИ





ЎЗБЕКISTON
DAVLAT KONSERVATORIYASI
ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASINING
BIRINCHI PREZIDENTI
ISLOM KARIMOV
TASHABBUSI BILAN 2002 YILDA
BUNYOD ETILDI



Скиф маликаси – Қуёшнинг қизи



Бахтиёр ГЕНЖАМУРОД



Ўғуздарё

«Той-кулундай тепишган,
Талашиб эмчак эмишган...»
Нух пайғамбардан қолган юрт,
Етти иқлимни олган юрт —

Ўғуздарё қирғоғида
«Етти қароқчи»дай ёнган юрт.
Оғзи бир — олтов, тўртов — тугал:
олти оға, тўрт ини,
«Кутадғу билик» қўнган юрт.

Шарқ томони Тинч уммон,
Фарб, Жануб — олам жаҳон,
Осиё бу — тегирмон,
Эдилда ун тортган юрт.

Ота ернинг тойлари
Депсиниб ойга кишнаган,
уртида кумуш совлиқни
юлдузим деб тишлаган.
Нух пайғамбар чўлиғи,
Ўғузхон отга минган юрт.

Қорда туғилган қора кулун
қора айғир бўлиб иргиса,
қирқ йигит қорда қора бўлиб,
қиз сочидай қоп-қора,
қуйруқ-ёлли бир кучоқ
Туғ кўтариб чопган юрт...

Оқ байтал

Дупур... дупур... — дупурлар...
Бойловдаги оқ байтал,
ойдин тунда дириллар.

Ойга қараб кишнайти,
дардин уқар банда йўқ —
йилқичи тушунмайди.

Тўкилган думи-ёли,
айғирдай қора булутлар
кутуриб иргимапти...

темирдай курак тишлар
ғижирлайди — бўзтўрғай...
чақирар оқ байтални.

Ёлғизман, ёлғизман чўлу сахрода,
Кўза-кўза шароб кўнглим юпатмас,
Ўзимни топширдим Ҳаққа — Худога,
Елкамда иккита зилдай-зилдай тош.

Бирови қора тош — тундай қоп-қора,
Бирови оппоқ тош — тунлар илийди.
Осмонга, осмонга — юлдузларга қараб,
Юрагимда бўрилар,

бўрилар улийди!..

«Қир бошини қор олар,
Хон бошини хон олар».
Рухлари қул бандалар
Бўйни синиқ, ҳам бўлар.

«Қир бошини қор олар,
Хон бошини хон олар».
Оч қолса эланмайди,
Бировга тиланмайди
Асли аслзодалар.

«Қир бошини қор олар,
Хон бошини хон олар».
Асл қушнинг боласин
Парвози баланд бўлар,
Қаноти толмас бўлар.

«Қир бошини қор олар,
Хон бошини хон олар».
Палаги паст йигитлар
маккор бўлар, шум бўлар...
Қорни тўйса қул бўлар.

«Қир бошини қор олар,
Хон бошини хон олар».
Зоти асл йигитлар,
Юлдузи мўл Тун бўлар,
Булутни йўқ Кун бўлар.

Қорақалпоқ тилидан
Рустам МУСУРМОН таржималари.



Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

(Қисса)

«Барчасини айтолмадим,
соҳилларим тор келди.
Қанча дарё бўлса кўнглим,
шунча ташна, зор келди.
Лекин кўрдим юракларга
зирқираб баҳор келди!
Мен ўзимни энди тинмас
селларга алмашаман,
Дарё билан ҳам хайрлашаман».

Сирожиддин САЙИД,
«Тўполондарё билан
хайрлашув».

1

Мўполонсой бўйидаги бу Арпали адирларида қанча отлар чошиб ўтди. Уюр-уюр йилқилар... Уларнинг гурас-гурас чошиблари! Улар туёғидан кўтарилган чанг карвонлари! Шу карвон ичида кўриниб қоладиган чақиндек айғир! Унинг титраб, еру кўкни титратиб кишнаши, ёлқинли кўзлари... Уюрга ноҳос яқинлашиб қолган сувориға ҳам ташланиб қолиши... ва елпинган ёлида учаётган каби изига қайтиши... Яна гурас-гурас туёқ товушлари! Эҳтимол у тўполон даврлардан нишона бўлиб туёқ излари қолгандир бу яйдоқ адирларда...

Бироқ шу ерда ўтган бир отнинг қисмати яшаб келади. Овулларда, гурунларда нақл қилинади...

Айниқса, мустақилликдан кейин отларнинг ҳам эркин кўпайиб яшашларига имкон туғилгач ва От йили довруқли бир шодлик ила кириб келган шу кунларда ўша бебаҳо, аммо бахти қаро тулпорнинг қисмати қишлоғу шаҳарларда ҳам тез-тез тилға олинган бўлиб қолди...

2

Аслида у селда оқиб келган эди. Атрофни сассиқ кавракнинг ҳиди тутиб кетган, ҳаво тунд — булутлар пастлашиб сузишар, Тўполонни тўлдирган бўтана даҳшат ила ҳайқариб, тошиб, кўпириб келар экан, қандайдир тирик, афсонавий махлуққа ўхшар эди. Аммо ҳар қандай даҳшатли жонзотнинг ҳам тўхтама бўлади, унга-бунга эътибори, сукутию ҳамласи бўлади. Бу даҳшат эса фақат ҳамладан иборат эди: тўсиқ нима — билмайди, фақат олға-олға босади, янчади, ошиб кетади.


Қирғоқдаги одамлар қунишиб, кичрайиб, бу мислсиз ёвуз куч қаршисида ожиз бир жониворлар каби туришар эди.

Бу манзилда ҳар йили авжи кўкламда аҳвол шу эди: селлар келар, одамлар томошага чиқишар, кейин селнинг шаҳди пасайиб, ортида — бошланган жойларида думи узилганидан кейин, халойиқ тикланиб, аллақандай йирикланиб ва ўз қадрини биладиган одамларга айланиб, уй-уйига тарқалар эди.

Қирғоқ бўйида қолганлар эса мадори кетган селнинг ўлжаларини излашга, топишга тушишар эди. О, саёз сувлоқларда нималар қолмаган бўлар эди!..

Ўшандаги сел қуни...

...Гижингтой шовва устида кўринди-ю, зум ўтмай



ЙИЛИ

куйидаги гирдобдан боши чиқди. Ҳа, унинг бутун танаси сув остида бўлиб, бошию кулоқлари чиқиб турар, кўзлари... кўзлари эса косасидан портлагудек бўлиб кетган эди.

У ийримда бир неча бор чирпирак бўлиб айлангач, берироқдан шўнгиб чиқди-ю, соҳилга талпина бошлади. Шунда сув ёқасида турган одамларга жон кириб, улар ҳам тойчоққа талпингудек бўлиб, олға силжишди. Тойчоқ келди-келди ва сув зарби-ла қумлоққа отилиб чиққани чоғ рўпарасида турган Назар қассоб унинг бўйнидан маҳкам кучоқлаб олди. Тойчоқ сапчиди, ёмғирдан кутилиб, қорга тутилгандек ҳар ёнга ўзини урди ва ёнбоши билан йиқилди.

Ана шунда жон таслим қилаётгандек оёқ қоқаётган жониворнинг суврати яққол намоён бўлди: ҳа, у ола тойчоқ эди. Ҳа, уни чипор дейиш ҳам мумкин эди. Ва бу ажабтовур кифёси-ла одамларга номаълум бўлган тоғ ҳайвонининг боласидир, деб ўйлаш-да мумкин эди. Илло бундай кўримли зот бу атрофларда йўқ, аммо «чипор, Бойчипор» деган сўзлар бор эди, албатта.

Шунинг учун бу тирик мўъжизани кўргали одамлар даврани тобора тор олиб кела бошлади.

Назар қассоб эса чакмонининг устидану остидан боғланган тўртта белбоғидан бирини ҳам ечиб олишга эви келмай гингшир, сўкинар экан, унинг орқасидаги ясси қояда турган барваста зот Берди Қора ёнидаги укаси Носирга буюрди:

— Туш. Тойни боғлаб ол!

Носир пастга тушиб, тойнинг почасидан ушлаши ҳамон қассоб ўшқириб берди:

— Ҳа? Қўлингди торт!

— Сен бўшат уни, — деди орқадан Берди Қора.

Қассоб бошини буриб, тепасида кузгундай бўлиб турган милиция бошлиғини кўрди.

— Э, начайлик бобо, инсоф қилинг. Бу — менинг насибам-ку! — деди қассоб.

— Сен насибангни ҳар куни олиб турибсан, — зуғум қилиб уқтирди милисалар бошлиғи. — Ҳа, тонасанми муштай куйруқни осиб қўйиб, эчки гўштини кўй эти, деб сотаётганингга? Сенда инсоф йўқ. Ҳалиям биз панжа орасидан қараймиз сенга. Халқимиз ҳам қўймижоз... Йўғасам, сенинг жойинг бу ерларда эмас!

Қассобнинг қўлидан чиқиб кетган той Носир полвоннинг кучоғига тушди.

— Кетдик, — деди Бўри Қора ва қассобга ҳам марҳамат қилди:

— Сен ҳаромхўр шу ерда қол. Ҳадемай қумлоқда балиқ сероб бўлиб қолади. Тутиб обориб, пишириб е. Лукманг ҳалол бўлади, мусулмон. Хайр эса, элдошлар, бизнинг томоша битди.

Носир полвон тойнинг оёқларини бир зумда кулуклаб боғлаб, кўтариб олган эди.

Ака-ука кетишди.

Орқаларида уларнинг гаплари қолди:

— Зўр-да, зўр-е шу Берди Қора!

— Тантилигиям бор баччагарнинг.

— Тоймисан той экан-да. Тарбия қилса бир аломат от чиқар-ов... Лекин Берди ака отга унчалик ишқибоз эмас-а?

— Кўпқарига кирмайди-да, кўранинг атрофини олиб юради.

— Буниям бир гашти бор-да, Бўталоқ!

— Мени куйдирди-я, мусулмонлар. Нақд молимни насияга обкетди. Мен бу тойни сўймас эдим. Йўқ, сўймас эдим. Боқиб-бовлиб... Ваҳ, шу той сенинг бошингга етсин-а, каззоб!



*Шукур Холмирза
эътиқодича:
адабиёт ўлмайди,
аксинча у ўлган
руҳларни
тирилтиради.*

— Ундай деманг-э, Назар ака. Битта той экан-ку... Бунинг устига селда келди. Юраги ёрилиб кетган бўлса, эртагача етмайди.

— Етса-чи?

— Етса, тулпор бўлади-да, оға. Бу нав зот ҳақида эшитганмиз. Бойчибор авлодидан.

— Ў-ўў, бор эканда-я...

— Қандингни ур, Бўри Қора.

3

Бури Қоранинг томорқаси қишлоқ четида — адирни чўрт кесиб, текислаб, тому тош қурган: болохона, такхона, ошхона, тандирхона... Чорбоғ этагида ҳам «хона»лари кўп: омборхона, огилхона, ҳожатхона. Гараж ҳам ўша ерда. Бу қатордаги хоналар боғдан пастда бўлиб, томларини боғ ила туташ дейиш мумкин. Қатор кетган ертўлалар дейверинг. Аммо-лекин мелиса бошлигининг боғчаси обод: қора анжирдан тортиб хурмогача бор. Ери ҳам бирон гектардан ошадики, қишин-ёзин ям-яшил бўлиб туради: йўнғичқа экади-да. Қиртишлаб ўриб турилса, жонивор қаримас экан.

Хўш, қорамолдан фалон бош, ушоқ молдан пистон бош. От, эшак. Фақат туяси йўқ, холос.

Бу жониворларнинг сут берадиган, гўшт бўладиганлари шу ерда. Буларнинг элликлаб-юзлаб шериклари шимолдаги Керага тоғларида — давлатнинг молини боқиб юрган чўпону подачиларнинг кўлида. Нафсиламри, райондаги бошқа бошлиқларнинг ҳам мол-ҳоллари тоғда давлатникига араллашиб юради. Саноқ муддати келганда, давлатники саналади. Санов ўтгач — эгасиники. Давлатники қоғозда қолаверади. Раҳбарларнинг бари бу ҳолни яхши билишади ва бир-бирининг мушугини пишт демайди. Қисқаси, Бўри Қора тумандаги бадавлат одамлардан бири. Ҳолбуки, у бир замонлар оддий молбоқарнинг ягона ўғли эди...

Айтиш мумкинки, Бўри Қоранинг ҳаётда армони йўқ эди. Аммо қаттиққўллиги ва шафқатсизлиги туфайли уни деярли район аҳли хушламас эди. Тўғри, унинг баъзида қилиб турадиган тантиликларини тан олишар, яхши баҳолашар эди. Аммо шу баҳони берганлар ҳам ичларида ундан ҳайиқиб туришарди.

Бўри Қорага халқнинг ўзидан ҳайиқиб туриши ёқарди, албатта: бир гапинг икки бўлмаса — яхши-да. Амринг вожиб бўлиб турса, бунга нима етсин!

Бироқ баъзида Бўри Қора ўксиниб ҳам қоларди: энг яқин хизматчилари ҳам ундан сир яширар, у билан ҳеч бири дардлашмас эди... Тўғри, Бўри Қоранинг вилоят марказида

институт ректори бўлиб ишлаётган ёшлик қадрдони бор эди. Лекин, «Туя — бир танга, қани бир танга?» деганларидек йироқдаги куйруқ эди у.

4

Бури Қора шу тобда гаражида; бурчакда қизил «Москвич»и қантариг турар, устини аллақачон бир энлик чанг босиб кетган, илло уни минишга эҳтиёж йўқ; машинани шунчаки бисот, деб олиб қўйган эди. Ўғиллари эса вилоят марказида ва турли туманларда: ўзларига тўқ, дуруст-дуруст ишларнинг бошини тутиб кетишган...

«Москвич»дан беридаги кенгишликда ҳам икки-уч машина сиғар эди. Лекин бўш ётарди кўпинча. Бугун эса, аниқроғи, ҳали келтирилган янги улов — чипор тойчоқ шу ерни гўёки банд этган эди. Носир уни нари-беридан харилар билан тўсиб, ўртада пайдо бўлган қўрачага қўйиб юборган эди.

Тойчоқ олдинига озодликка чиққандек талпиниб, ҳар тарафга ирғишлади, мадорсизликдан йиқилди. Яна туриб қаёққадир қочмоқчи бўлди, яна тўсиққа урилиб мункиди ва, ниҳоят, ётибгина қолди. У ёмон ҳансирар, ёлқинли кўзлари ҳамон хонасидан портлаб кетгудай аланглар ва бурнидан жиндак-жиндак қон сизар эди.

Бўри Қора қўранинг девор томонида қуруқ ерга бир парча тахтани қўйиб, тиззаларининг кўзига эса қўлларини тираб ўтирибди. Кўзи анову жониворда. Носир акасидан пойгароқда чўнқайиб олган, гоҳо туриб гараж томини кўтариб турган четки устунга суянади. Том баланд, баланд қилиб ёпилган, илло жуда катта юк ортган «БелАЗ»лар ҳам кириши ҳисобга олинган-да.

Бўри Қора тойчоққа термулиб ўтираркан, унга аллақандай раҳми келиб кетди.

Бу унинг учун янги туйғу бўлгани боис ўзи роҳатланди ҳам, жилмайди ҳатто.

— Эй, Носир, — деди бир замон. — Шуйтиб ўтираберамизми? Бунинг ҳеч балони емаяпти-ку?

Дарвоқе, тойчоқнинг олдига беда ҳам, сомон ҳам сочилган. Бир карсонда арпа ҳам бор эди. Тўғри, тойчоқ буларни топтап ташлаган... энди ҳорғин, тақдирга тан бергандек мўлтираб ётарди: ҳа-ҳа, мўлтираган кўзларида ҳамон ёлқинли нур ва барча нарсага ётлик бор эди... Жонивор шу ётишда ҳам гўзал эди: нималаридир қор қоплонини ҳам эслатар, нималаридир япалоққушнинг ола-була қанотларини эсга туширарди. Ҳа, ажабтовур бир хилқат эди бу.

— Нима қил дейсиз? — деб сўради Носир. — Бориб Умар синчини обкелайми?

— Э, шундай қил, бўйингдан! — деб юборди Бўри Қора. —

Буни оёққа қўйиб, мол қилиб олмасак, увол бўлади. Қара, қандай чиройли... Бизга қарамлиги кўзларидан билиниб турибди. Кўряпсанми? Қизик бу! Бизни ёмон кўради. Лекин биздан бошқа халоскори йўқлигиниям билмайди... Шуни билиши керак...

— Ў, зўр гаплар айтдингиз, — деб Носир қўранинг девор томонидан тепага чиқди. — Уйда бўласизми?

— Уйда.

5

Умар синчи паканагина, питраккина чол эди. Нима бало бўлганки, Алпомишнинг отини мақтаб қўйиб, мукофотиға кўзи



Суратларни Комил ЖОНТОВЕВ чизган.

ўйилган қалмоқ синчидек Умарбой ҳам ғирт кўса эди. Лекин бўйни калталиги учун салқиланиб қолган бақбақаси кўринмас, шунинг учун уни хушрўй чол, дейиш ҳам мумкин эди.

Албатта, у ўз касбининг пири, илло йилқичидан чиққан, сайислик ҳам қилган, кўпкарочи ҳам бўлган, оқибат, оёғи синиб шу бўйи битиб қолгани учун оқсаб юрар ва синчиликни касб қилган эди. Синчилардан Умарбойнинг яна бир фарқи — чол отга ўта меҳрибон, отбозларни эса ундан ҳам яхши кўрар эди.

— Э, э, ё бисмилло, начайлик бобо, — деб қўшқўллаб кўришди синчи. — Носирбойни овора қибсиз, катта. Ўзим келиб, шу гижингтойни кўриб кетмоқчи эдим. Довруғи етди-да бизнинг қулоқларга ҳам.

— Ҳим, хуш кебсиз, хуш кебсиз, Умар ака. Хўш, олдин чой-пой ичасизми ё...

— О, айланиб кетай, каттажон. Олдин уни кўрамиз-да. Шуни деб келган бўлсак. Чой қочиб кетмас.

— Қани, тортинг эса. Ху тубанда ётибди.

— Ўзингиз, ўзингиз тортинг... Ҳе, раҳмат. Аммо-лекин боғниям боғ қилибсиз-да, каттажон. Йўнғичқаям сероб экан... Улар уй томондан кўча деворини ёқалаб боришарди. Гараж тепасига етишлари ҳамон синчининг навқирон йигитниқидек ўткир кўзлари олачипор тойчоққа қадалди-қолди.

— Шу, шу-шу, — деб пичирлар эди у.

— Нима, шу? — деб қарийб ўдағайлади уй эгаси.

— Шу. Бойчиборнинг зотидан-да, — деди қария мўжазгина бўлиб. — Лекин буни қайтиб етказишган экан... Йўқ, бунинг отаси бўлганда, зотиям бўлар эди. Бу бир чиқиб қолган. — Кейин қиҳ-қиҳлаб кулиб, кўрага силжиб тушди. — Авлодида бор экан-да чиборлардан. Бор экан! Етти авлоддан кейин ҳам суяк сура одати бор буларнинг... Одамдаям шундай-ку? Тўғримми?

— Сиз ановунга қаранг. Нимага у ҳеч нарса емаяпти. Ичи ичига қапишиб кетган. Одамнинг раҳми келади.

— Ҳозир, ҳозир... — чол баттар пасайиб тойчоққа яқинлашар экан, той тура солиб, тўсиққа сапчиди. Яна урилиб, қайтиб йиқилди. — Ҳай, жонивор-а, ҳай-ҳай... Тоза асов экан бу! Ҳа-а, шу асовлиги туфайли уюрдан айрилган. Бу кўп хосиятли от бўлади, катта! Мени айтди дерсиз. Фақат бунинг парваришига...

— Маслаҳатни кейин берасиз. Бу нимага ҳеч нарса емаяпти?

— Ҳозир, ҳозир... — чол ерга тикилиб нималарнидир хўп излади. Ниҳоят, Носирга:

— Шуни бир ушланг. Оғзини кўрай, — деди.

Полвон бемалол бориб, ирғишлашга тушган тойчоқни таппа ушлаб, синчига рўпара қилди.

Чол унинг жағларини очиб, оғзини ҳидлаб кўрди. Кейин тишларига тикилди-да, ғамгин тортиб Бўри Қорага кулимсиради.

— Бунингиз ё кечаги кунда ёки ўтган кунни сўздан айрилган, — деди. — Сиз бунга беда билан сомон тутибсиз... Бўлмайди, катта.

— Нима қилай? Нима ейди бу?

— Ҳар ҳолда бутилкадаги сўздан эмдирмассиз? — дея табассум қилди чол.

— Хўш?!

— Қовдон керак бунга, қовдон.

— Қовдонингиз нима у?

— Э, ўзингиз ҳам от миносиз-ку, катта. Наҳотки...

— Билмайман-билмайман. Отниям мана бу Носир миниб юради... Менинг автоуловларим кўп.

— Эса, қовдон сизда йўқ... Кунжут борми, кунжут?

— Кунжут? — Бўри Қора укасига қаради.

— Зиғир бўлса керак. Кунжут... новвойларда бўлмаса, бу

ерда йўқ дейман. Яна янгамдан бир сўрай...

— Сўра, топ. Эй, шошма, анови мошинанинг бағажида иккита кичкина кресло бор. Опке шуни... Мана шу ерга қўй...

Носир полвон кўтаннинг у тарафдаги четанидан ошар экан, тойчоқ турган еридан жилмай уни кузатар, Бўри Қоранинг назарида, ҳеч бўлмаса яна бир ҳаракат қилиши лозим эди.

— Сенга ўрганяпти дейман-ов, Носир? — деб гап қотди укасининг ортидан.

— Ўрганади-ўрганади. Ёш нарса-да, бу, — деб Носир учун жавоб берди синчи ва ёнида девдек бўлиб турган милиция бошлиғига пастдан кичкина бўлиб қаради. — Каттажон, эсингизда тутинг. Зинҳор-базинҳор молингизга... бу етимчага биров ем бермасин. Сувниям, кунжутниям ўзингиз беринг... Э, дарвоқе, анову йўнғичқанинг гулини ҳам яхши кўради бу! Шундан юлиб-юлиб келтириб беринг. Ўзингиз... Шунда сизга тамом ўрганиб қолади. Вафодор бўлади... Ҳе, бу тур отларнинг довуғи Доғистонга кетган, каттажон. Ўзингиздан қолар гап йўқ, Хурушчов замонида отларимизга қирон келди. «От хусусий мулк» деб қийратди-е, қийратди... Бари гўштга кетди...

— Эсимда. Жуда хато иш бўлган-да шу иш, — деди Бўри Қора жиддийлик билан.

— Аста айтасизми, каттажон.

6

Е синчи бир олам маслаҳатни бериб ва ҳафтада бир хабар олишга-да ваъда қилиб, чойга ўтирмай кетди. Тўғри, катта кафтига қистирган ақчани қайтармади. Носир ҳам кетди уйини қоралаб...

Тойчоқ ҳамон ем емас эди. Яъни, олдига тўкиб қўйилган бир дўппи кунжутни гоҳо ҳидлаган бўлар ва яна онасининг биқинида ётгандек ҳолатда ғужанак бўлиб ётар ва энди ёлқини сўниброқ қолиб, хотиржам топган йирик кўзларини қаршисида гумбаздек бўлиб ўтирган эгаси бўлмиш Бўри Қорадан узмас эди. Тавба, қандайдир даражада (Аллоҳ кечирсин, ҳаромни ҳалолга ўхшатганимиз учун) вафодор този итни эслатар, кўчадан эшитилган ҳар қандай шарпага ҳам қулоқларини чимириб қараши-да ўша махлуқнинг хушёрлигини эсга соларди.

Бўри Қора аслида иши зик-тиқилинч одам эди: тўғри, хоҳласа — иши кўп, хоҳламаса — бекорчи касби эди: ахир, у кимсан, Бўри Қора! Бу одамнинг бу тойчоқ бошида узоқ қолишига илқинжи сабаб — унга жуда ачинаётгани бўлса, иккинчи муҳим сабаби — ниятига етишолмаётгани, яъни қандайдир тилсиз жониворни раъйига туширолмаётгани эди.

У кўпинча нос отар, баъзан сигарет ҳам чекар эди. Кўп чекди, жуда кўп. Оғзи бемаза бўлиб кетди. Носи қолмагани учун ўрнидан турди-ю, олға интилганини билмай қолди. Тойчоқ ҳам ўрнидан туролди, холос. Бўри Қора унинг бўйнидан гиппа ушлаб ва қўлтиқлаб, оғзини йириб очди-да, анови қўли билан жағларини тутиб туриб, буниси ила кунжутдан олиб, тойчоқнинг ҳалқумига ташлади. Яна бир ҳовучни ташлагач, тойчани қўйворди. Гижингтой бирдан қиҳ-қиҳлаб ортига сапчиди. Яна кўзлари дўлайиб кетди. Аммо бурчакка бориб туриб қолди-да, тамшана бошлади.

Бўри Қоранинг кўзи олдида оғзидагини еди... Милиция бошлиғининг боши осмонларга етди: ҳа, зулум керак, зуғум керак... молга ҳам. У яна кунжутдан ҳовучида олиб, тойчоқ сари юрди. Тойча бурчакда қисилиб тураркан, Бўри Қора унинг бўйнидан яна кучиб олди-да, кунжутни тумшуғига тутган эди, тойчоқ лабларини қимирлатиб... ея бошлади. Бу — Бўри Қоранинг илк ғалабаси эди.

(Давоми келгуси сонларда.)

Либослар ~ гузаллик калити



Аёл бор жойда нафосат бор. У чин маънода гузаллик тимсолидир. Шу уринда таъкидлаш керакки, муносиб либос аёл ҳуснига ҳусн қўшиб, хушбичимликни таъминлайди. Бу йилда аёлларимизга оқ, қора, қизил, кук рангли либослар тавсия этилади. Байрам тантаналарида тилла рангли либослар, шунингдек, қора рангли либослар билан турли кумуш тақинчоқлар тақиш аёлга кўрк беради. Оқ рангдаги кофта, костюм ва кўйлақлар ҳам, ишонамизки, азиз ва гузал аёлларнинг чиройига чирой қўшади.

Сиз суратларда кўриб турган гузаллар Япония аёлларидир. Япон халқи азалдан нозик дидли, либос танлашда ҳам кўп жиҳатларга эътибор беради. Японлар бир даста қоғоздан ҳам гаройиб нарсалар ясай олишини бутун дунё билади. Ҳозирги кунларда япон модельерлари чит газламадан ва жузли матолардан ажойиб либослар тикмоқдалар. Айни кунларда кунчиқар мамлакатда аёллар мана шундай бичимдаги либосларни киймоқда. Сумкалар, белбоғлар ва оёқ кийимларнинг ранглари бир-бирига мутаносиб, бир-бирини тўлдирди. Зеро, ранглар ҳар бир инсон руҳиятига таъсир этади.

Ярашганини танланг!

Инсон қанчалик кўп яшар экан, шунчалик кўп нарсани кўради ва ҳаётдан кўп нарсани ўрганеди, турли одамларга ҳамда турли фикрларга дуч келиб, кўрган-билганлари асосида қандайдир хулосалар ясайди. Вазият талаби билан бир ажримга келишда икки нарсага — онгимиз ва ҳис-иштиёқимизга суянамиз. Шуниси қизиқки, айниқса, ёшлиқда, онгу тафаккуримиздан ҳам кўпроқ бизни амалий ҳаракатга ундайдиган нарса ҳис-иштиёқимиздир.

Мен ҳам инсон сифатида бундан истисно эмасман. Лекин болалигимданоқ мени «огир карвон», «шошмайди», «боқибегам» дейишарди. Ҳаётнинг энг кескин ва мушкул дақиқаларида ҳам мен шошмас эдим, ишни пишиқ ўйлаб бажаришга интилардим. Масалан, арқонни тугун қилиб боғлаётганда тугуннинг қаттиқ бўлишини эмас, балки шу тугунни кейинчалик қандай қилиб қийналмасдан ечишни ўйлардим. Шуни ҳозир ўйламасам, кейин қийналиб қоламан, дердим. Шошмаслик одатимни туғма хислатим деб биламан. Балки, бу одатим халқимизда бор одатларнинг муайян кўринишидир. Ота-боболаримиз айтдилар-ку: «Андишали бўл; ўйлаб иш қил», «етти ўлчаб бир кес», «аввал ўйла, кейин сўйла» ва ҳоказо.

Халқимизнинг, катталарнинг бу насихат-ўғитлари миямга йиллар сайин секин-секин жойлашган. Табиийки, ёшлик йилларида бу ўғит-насихатларнинг бирини билардик, бирини билмасдик, баъзиларини билсак ҳам ё эътибор бермасдик ёки тунмасдик, қадрига етмасдик.

Ана шундай ёшлик йилларида мен инсоният тарихида бўлиб ўтган энг катта қирғин урушнинг чанғалида эдим. Жанглarning бирини огир ярадор бўлдим. Душман мергани узган портловчи ўқ менинг ўпкамни

Ватан ва муҳаббат

ёриб, қовурғаларимни синдириб кетган эди. Одатда бундай жароҳатдан сўнг ярадор ҳаётдан кўз юмади. Аммо Яратганнинг амри билан мен тирик қолдим. Госпиталда даволаниб бўлганимдан сўнг, ҳозирги тил билан айтганда, реабилитация учун мен каби кўкрагидан ўқ еган зобитлар қатори бир ойга қишлоққа жўнатишди, бир украин оиласига жойлаштиришди. Ҳавоси тоза, табиати кўркам қишлоқда анча ўзимни эглаб олдим-да, одатим бўйича ўқиш учун китоб, журнал, газеталар кидира бошладим. Менинг китобларга қизиқишим ва иштиёқимни кўрган уй эгалари «Сен ҳар бир хонадонга кириб, чордоқ-болохоналардаги китобларни кўришга рухсат сўрагин. Болохоналарда китоблар, даста-даста журнал ва газеталар қаровсиз ётибди», дейишди. Мен уларнинг маслаҳати билан иш кўрдим-да, китоблардан, журналлардан иборат янги дунё очдим. Ҳар куни эрталабдан кечгача турли оилаларнинг болохоналаридаги чанг босиб ётган китоблар, журналларни ўқишга киришиб кетдим.

Мен билан бирга келган бошқа ўн тўрт зобит эса ҳар куни меҳмондорчилик, хурсандчилик, ўйин-кулги билан овора эдилар...

Кунлардан бир куни қишлоқнинг икки журъатли ва шаддод қиз-жувони мени чордоқ-болохоналардан бирида қидириб топиб: «Ўртоқ лейтенант! Биз қишлоқ қиз-жувонлари номидан келдик. Китоб-журнал ўқишингизни ташлаб, бизнинг даврамизга қўшилишингизни талаб қиламиз!» — дейишди. Бу иккала гўзалнинг вазоҳати шундай эдики, менинг «хўп» дейишдан бошқа иложим қолмади. «Биз сизга муносиб, истараси иссиқ, қадди-басти келишган, ўқимишли, мактабимизда урушгача мусиқа ва ашула дарсини берган Наташа деган қизни топиб қўйдик. У сизни кечкурун даврамизда кутади», — дейишди улар.

Билдимки, мен қармоққа тушдим. Энди умумдавра талаб-тартибларига бўйсуним керак. Кечкурун белгиланган хонадон-

(Давоми 25-бетда.)

«Гулистон» шифохонаси

Инсон яшаб турган жой, унинг ҳавоси — иқлими, табиатининг турли хил таъсирчан воситалари тўғриси келмаслигидан нафас

ўйларини яллиғланиб, ўтқада ва бошқа аъзоларда балғамга ўхшаш хилтларнинг йиғилиб, нафас ўйларини беркитиб қўйиши нафас қисилишига олиб келади. Ибн Сино ва болгариялик шифокор Ванганинг фикрича, астманинг келиб чиқишига сабаб киши терлаб чарчаган пайтда совуқ сув ичиб қўйишида экан.

Касалликнинг асосий белгилари. Бронхиал астма касаллигига чалинган беморнинг вақти-вақти билан нафаси қисилади, ҳаво олиши қийинлашиб, бўғилади. Кўпинча касаллик кечаси хуруж қилади, у давоми суръатда беморни азоблайди. Бу касалликнинг асосий белгилари тез-тез нафас олиши, ҳансираш, тер босиб, нафас етишмаслиги сабабли безовталаниши, баъзан эса лаблар ва тирноқларнинг қўқариши, юрак уришининг тезлашувида кўринади. Кўпинча астма хуружи бошлангичдан аввал йўтал, бурун ва томоқнинг қаттиқ қичиши ва ачиши, ҳолдан тойиши белгилари сезилади. Хуруж мобайнида оз миқдорда оқ кўпик ёки сарғиш балғам тушигач, бемор бир оз енгиб тортади. Бемор огир аҳволга тушиб қолмаслиги учун юқорида айтилган касаллик аломатлари сезила бошлаши биланоқ шифо воситалари қўлланилиши зарур.

АСТМАНИНГ ХОДАКИ ДАВОСИ

Даволаш усуллари. Астма касаллигига даво сифатида қуйида шифобахш поз-неъматларнинг алоҳида-алоҳида таъсирини ва уларнинг ишлатиш усулларини келтирамиз.

Пиёз. Тухумдан каттароқ битта пиёз тозалаб, қирғичнинг катта тешикчаларидан ўтказиб ёки пичоқда тўғраб,

бир косага солинади, сўнг дарҳол коса атрофи газмол мато билан ўралади. Ўртаси очиқ бўлиши керак, ана шу очиқ жойга бурун билан оғизни қўйиб 5 дақиқа бурун билан, 5 дақиқа оғиз билан чуқур-чуқур нафас олиши керак бўлади. Нафасни бурун билан олиб, оғиз билан чиқариш, оғиз билан олганда бурун билан нафас чиқариш керак. Пиёз бурундаги, бронхдаги яллиғланишни секин-аста йўқотади, тез-тез шамоллашнинг олди олинади ва ўша заҳотиёқ нафас олиши бирмунча яхшиланади. Бу муолажани касаллик огир бўлса, биринчи 10 кунда уч маҳал овқатдан олдин, иккинчи 10 кунликда кунига икки маҳалдан наҳорда ва кечкурун уйқудан олдин бажарилади. Учинчи 10 кунликда бир маҳал кечкурун ётишдан олдин бажарилади. Иккинчи ойдан бошлаб ҳар куни бир маротабадан шу усул қўлланиб турилса, ўпканинг юқори нафас қисмлари, бронхлар яллиғланиши кетиб нафас олиши яхшиланади ва бемор тезда шифо топади.

Шукур ЭРГАШЕВ
тайёрлади.

Qaysidir mamlakatda, qaysidir saltanatda, shundoqqina Qizil dengizning chetrog'ida kimsasiz orol qad ko'tarib turardi. Orolida bir fors yashardi. Forsning alomat popog'i bor edi. Quyosh nurida quyoshday yaltirardi. Ana shu popoq, bitta pichoq va tandir-o'choq — forsning bor-yo'q boyligi shulardan iborat bo'lib, sizning tandir-o'choqqa qo'l tekkizishga haqqingiz yo'q edi.

Bir safar fors mayiz, un, suv, suv idish, yana har xil narsalarni bir joyga yig'di va hammasini bir-biriga qorib, xamir qildi va elakday keladigan sehrli pishiriq hozirladiki, uzunligi yigirma santimetr, qalinligi o'ttiz santimetr kelardi. So'ng uni tandir-o'choqqa yopdi, demak bu o'choqning oldiga borish unga mumkin edi. Shunday qilib, u o'zi hozirlagan pishiriqni tandir-o'choqqa yopdi. U qip-qizil bo'lib pishdi va butun atrofga ishtaha qo'zg'aydigan mazali hid taraldi. Ammo fors endigina og'iz ochib, pishiriqni totib ko'raman deganda, qarasaki, bir karkidon kelyapti. Karkidonning burni shoxli, ko'zlari cho'chqako'z, qiliqlari juda yoqimsiz edi.

U paytlarda karkidonning terisi sip-silliq, birona ham osilgan-solingan, qarimsiq joyi yo'q edi. Ko'rinishi xuddi bir o'yinchoqqa o'xshab ketardi, turgan gapki, yirik o'yinchoqqa o'xshardi. Harqalay, karkidonlar hozir ham, ilgari ham tarbiyasiz edilar, kelgusida ham shunday bo'lib qoladilar.

Karkidon kela solib:

— O'hm! — dedi.

Shunda fors pishiriqni tashlab qochdi, xurmo daraxtiga tarmashdi, bir zumda qir uchiga chiqib ketdi; boshida popog'i bor edi va popoq quyosh nurida quyoshday yaltirardi.

Karkidon kelib, tumshug'ini tandir-o'choqqa tiqdi, shunda tandir-o'choq ag'darildi-yu, ichidagi pishiriq qumloq bo'ylab dumalab ketdi. Karkidon pishiriqni shoxi bilan bir turtib, yeya boshladi. Uni pok-pokiza tushirib bo'lgandan keyin, kimsasiz sahroga qarab yo'l oldi.

Redyard KIPLING

Karkidonga g'ijim-g'ijim teri qayoqdan kelgan?

Shunda fors daraxtdan tushdi, tandir-o'choqni oyoqqa turg'azib qo'ydi va ichida:

— Kimki yemakni shox ila titgay,

O'z terisin badbush etgay, — deb yomon duo o'qidi.

Eh, bu so'z bekorga aytilmagan edi!

Oradan besh hafta o'tdi-yu, Qizil dengizga issiq kunlar keldi, har kim egnidan kiyimini birma-bir yechib tashlay boshladi. Fors popog'ini yechdi. Karkidon terisini yechib yelkasiga tashlab oldi va



Suratlarni Temur SALOHOV chizgan

cho'milishga ketdi. U paytlarda karkidonning terisi tugmalik, qorni tomonidan tugmalanar, xohlagan paytida yechib olsa bo'ladigan teri edi.

Karkidon forsni uchratib qolganda, uning pishirig'i to'g'risida hech nima demadi. U bir dumalanib oldi-da, to'g'ri borib suvga tushdi va burnidan ko'piklar chiqara boshladi, terisini esa sohilda qoldirgan edi.

Fors shu yerdan o'tayotib, qarasa, bir teri yotibdi. U ayyorlarcha iljayib qo'ydi: bir hihiladi, ikki hihiladi, uchinchi gal esa qo'llarini bir-biriga ishqal-ab, terining atrofida gir aylanib raqsga tushdi.

Shundan so'ng o'zi yashab turgan joyga qarab yugurdi, pishiriqdan to'kilib qolgan ushoqlarni terib, popog'ini to'latdi. Forsning o'zi pishiriq pishirib yeganda hech qachon to'kilgan ushoqlarni supurib tashlamas edi. Ushoqlarni terib kelgach, terini olib dasturxonday yozdi-da, uni boshdan-oyoq qotib ketgan, qattiq-quruq, tikonday ushoqlar bilan to'latdi. Shundan keyin o'sha baland xurmo daraxtiga chiqib oldi va karkidonning suvdan chiqib kelishini hamda terisini shosha-pisha kiyib olishini kutib o'tirdi.

Karkidon terini kiydi. Uchala tugmasini ham qadadi, shu zahoti ushoqlar uning badanini tila boshladi; odam o'rniga yotganda tagida ushoqlar yotsa, vujudi tilinib, bezovta bo'lgani kabi, karkidon ham eti tilinib bezovta bo'lardi. U qashinmoqchi bo'lar, ammo bundan ahvoli battar yomonlashardi. U o'zini tappa yerga tashladi, yerda u yoq-bu yoqqa dumalandi, ana dumalandi, mana dumalandi, yana dumalandi, ammo dumalagan sari ushoqlar uni battar qiynardi — holi yanayam yomonroq bo'laverdi, yomonroq bo'laverdi, yomonroq bo'laverdi. Karkidon xurmo daraxtiga tashlandi unga ishqalana boshladi, ana ishqalandi, mana ishqalandi, yana ishqalandi. U shu qadar uzoq ishqalandiki, ishqalanishdan terisi g'ijim-g'ijim bo'lib ketdi, ayniqsa, yelkalari ustida va qornida bu g'ijim-g'ijimlar osilib-solinib qoldi, oldingi tugmalari uchib ketibmi, tanasiga singib ketibmi, allaqachon g'oyib bo'lgandi. Keyin ishqalanishdan oyoqlarida ham g'ijim-g'ijim ajinlar osilib qoldi. Bu hol karkidonning fe'l-atvorini, tabiatini ham buzdi, ammo shundan keyin ham ushoqlar azobidan qutilmadi. Ushoqlar uning terisi tagida qolib ketdi va uni har qachongidan yomonroq timdalardi. Keyin timdalangan, asabiylashgan karkidon uyiga qarab ketdi.

O'shandan buyon to hozirgi kungacha har karkidonning terisida juda ham qalin-qalin ajinlar bor, o'zlari ham juda yaramas fe'l-atvorli bo'lib qolishgan, terisining orqasida o'sha pishiriqning ushoqlari bo'lgani uchun shunday bo'lib qolgan.

Fors esa xurmodan tushib, quyoshda rosa yiltiraydigan popog'ini bostirib kiyib, u yerdan Orotavo, Anantarivoning pokiza vodiylari va Sokut botqoqlari tomonga kirib ketdi.

Ruschadan
Miraziz A'ZAM tarjimasida





Не ажаб...

Не ажаб, ҳарён мени Мажнун
бошида ёралар,
Баски, ёғди устига атфол элидин
хоралар.

Оразинг атрофида гулдур
кўрунган, эй пари,
Ё қамар даврида саф тортиб
турур сайёралар.

Ҳар қуюн гўёки бир саргашта
ошиқ гардидур,
Баски, туфроғ ўлди ишқинг
даштида оворалар.

Онглаким, аҳбобни кўнглумда
меҳмон этмишам,

Итларинг оғзида гар кўрсанг
бағирдин поралар.

Анда Мажнунман, буён Лайли,
сан эткач ижтимоъ,
Бир тараф девоналар,
бир ён пари рухсоралар.

Хонақоҳ вақфи суйин ичмаслар,
эй шайх, англагил,
Гар хумор ўлса фано
дайридаги майхоралар.

Эй Навоий, ишқ аро ўлмактин ўзга
чора йўқ,
Бас, галат бўлмай, демак ушшоқни
бечоралар.

Алишер НАВОЙЙ



(Давоми. Боши 23-бетда.)

га келдим. Зобитлар менга: «Ҳа, одамови дарвиш! Келдингми... Бизнинг қизлар сени зоҳидликка қўйишмайди, билиб қўй!» дейишди. Кулишдик, гала-говур, гап-сўз бошланиб кетди... Менга қизлар орасидаги энг гўзали, энг камтар ва шу сабабли энг жозибалигининг ёнидан жой ажратишди.

«Эй лейтенант, — деди менга йиғилганларнинг ичида ҳарбий унвони энг баланд зобит, — омадли йигит кўринасан. Қара-я, Наташанинг ҳам даврамизга биринчи қўшилиши. Сенга ана шундай гўзал қиз ҳамроҳ бўлаётганидан ҳатто рашким кел-япти». Бу сўзларни эшитиб йиғилганларнинг ҳаммаси Наташага ва менга диққат билан қарашди. Мен худди қувё боладек уялардим, ўзимни қандай тутишни билмас эдим. Чунки, ўша вазиятда фалак менга шундай тухфа инъом этишини ўйламагандим.

Наташага ҳам менинг ҳақимда бир нималар деб қўйишган бўлса керак, у ҳам ниҳоятда ўзини эҳтиёткор тутар, вазмин ва сўзларини чертиб айтарди. Сўзлагани журъат этмасдим... Ичимдаги фикрларимни юзага чиқаролмай, айтаман: «Гўзал қиз Наташа! Мен сизнинг тирноғингизга арзимайман! Мен хандақ қазиб, тупроқ чайнаб, қишда эса қорни тўшак, булутли осмонни кўрпа деб юрган пиёда аскарман. Сиз илоҳий гўзаллик маъбудасисиз! Мен этагингизни ўпишга тайёр қўлингизман, холос!» Лекин ким бу сўзларимга қулоқ солади? Фақат Наташа! Бошқалар ўйин-кулги,

рақс билан оворалар, анчагина қизишганлар.

Вақти-вақти билан Наташа томонга кўзимнинг қирини ташлаб тураман. Унинг қиёфаси ва муомаласи жуда маъноли. У менга гўзаллик маъбудаси бўлиб туюлса, мен унга қахрамон, жанг майдонида ўлим билан юзма-юз олишган афсонавий ботир — Ахиллесман.

Даврадаги хурсандчиликдан сўнг Наташани уйига кузатиб қўйдим. Биз ҳар куни учрашиб, Украинанинг кенг далалари, чаман юлдуз осмони, маъюс, мунгли оқшомларида бирга сайр қилиб, суҳбатлашадиган бўлдик. Наташа шу қишлоқдаги зиёли оиланинг ягона қизи экан. Отаси урушгача шу қишлоқ мактабида директор, онаси тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Ота-онаси Полтава шаҳридаги мусиқа мактабида ўқитишган. Урушдан аввал қишлоққа қайтиб, мактабда мусиқа ва ашуладан дарс бера бошлаган. Наташа жуда нозик табиатли, юксак ориятли, ўйчан, орзу-хаёлларга берилган қиз. Бунақаларга эса колхоз йигитлари орасида ҳеч «жазман» топилмаган.

Мен унга Бетховен, Бизе, Чайковский, Моцарт, Мусоргский каби композиторлар ҳақида, Репин, Васнецов, Брюллов, Микеланжело, Пуссен, Рембрант каби рассомлар, яна шоирлар, ёзувчилар, ихтирочилар, кашфиётчилар, юртлар, халқлар, замонлар ҳақида турли-туман билганларимни — ҳар соҳадан бир шингил сўзлаб берардим... Мен ҳаддан ошмай деб гапимни

тўхтатсам, Наташа менга: «Яна, яна гапиринг! Мен бундай қизиқ нарсаларни эшитмаган эдим», деярди. Мен бечораю дарвиш билмабманки, ўз ҳикояларим билан Наташани илк муҳаббатнинг ҳашаматли саройига олиб қирмоқда эканман... У умрида биринчи марта кўнглидаги йигитни учратганидан ниҳоятда бахтиёр эди. Мен эса, муҳаббатда гўл ва нўноқ йигит, қишлоқдаги қизнинг билим доирасини кенгайтираётганимдан хурсанд бўлиб юраверибман.

Шундай сайёр суҳбатлари-

миздан сўнг, кейинчалик билсам, Наташа адасига ва ойисига: «Ада! Ойи! Кўчқор Хоназаров мен истаган, мен ўйлаган, орзу қилган йигит! Оқ от минган шахзоданинг ўзи у!» — дебди. Бошлари гаранг бўлган ота билан она яккаю ягона фарзандлари муҳаббат оғушида эканлигини ва бу нарсани кизни биринчи марта руҳий ларзага келтирганини кўриб, менга муурожаат қилишдан бошқа йўлни топа олмаганлар.

Бир куни унинг отаси, элликларга бориб қолган қишлоқ зиёлиси, менга хурмату иззат билан муурожаат қилиб, «Оиламизда меҳмон бўлсангиз, жуда хурсанд бўлардик» — деди. Меҳмондорчиликдан сўнг Наташанинг отаси мени кузатар экан: «Қизим сизни чин кўнглидан севиб қолибди. Сизни деб кечалари юм-юм йиғламоқда, кўз ёши дарё бўлиб оқмоқда. «Лейтенант фронтга, жабҳага кетиб, бошқа қайтиб келмаса, нима қиламан?!» дейди. Ўртоқ лейтенант! Менинг сизга битта илтимосим бор: қизимга «қайтиб келаман», денг. Шу уй, шу ҳовли, шу боғ таг-туғи билан сизники. Келинг, яшанг, қизимизни бахтли этинг, умримизнинг охиригача бизлар сизга хизмат қилишга тайёремиз, чунки Наташа бизнинг ягона фарзандимиз. Умидимиз ва келажагимиз унинг қўлида, бинобарин, сизнинг қўлингизда, — деди қуюнчаклик билан. — Наташа сизга ўз муҳаббатини изхор этгани ботинмайди. Қиз бола, ўзингиз тушунасиз. Ундан ташқари «йўқ» дейишингиздан кўрқади».

«Сенга шу муаммо етмай турувди...» — деб ўйлиниб қолдим. Агар урушдан тирик қайтсам ва шу Украина қишлоғига кириб келсам, қишлоқда ягона пишиқ гиштдан ишланган, тунука томли, ертўлали, чордоқли, тахта полли, атрофида ўн сотих боғли тайёр уй-жойга кириб келаман. Бу уйда, шу қишлоқда ягона пианино, тузуқкина бой қутубхона ва ёнимда Наташа... Хаёл мени ҳали у томон, ҳали бу томон тентиратарди... Охир-оқибатда қаттиқ қарорга келдим: Тошкентга, Ўзбекистонга, жонажон Ватанимга, ота-онамнинг бағрига, ёру биродарлар даврасига қайтаман. Наташа, мен тирик эканман, сен менинг қалбимдасан! Лекин дунёда Ватан деган улуг қадрият бор. У ҳамма нарсадан азиз!...

Кўчқор ХОНАЗАРОВ



КЎЧҚОР ХОНАЗАРОВ —
1922 йилда Тошкентда
туғилган. Жаҳон
иқтисодиёти ва
дипломатия
университетининг
профессори. Фалсафа
фанлари доктори, ЎзРФА
академиги.

Муҳаммад АВФИЙ

Алп-тегиннинг адолатли қарори

Сабук-тегин (султон Маҳмуднинг отаси) Алп-тегиннинг гуломи эди. Алп-тегин сомоний ҳукмдорлардан аразлаб кетгач, Хуросонда кўп галаёнлар, нотинчликлар бошланди.

Алп-тегин кўшини билан Ғазнага етгач, қалъадаги жангчилар дарвозани беркитиб, итоатдан бўйин товландилар. Шунда Алп-тегин лашкари Ғазна атрофларини ва бутун вилоятни эгаллаб олди. Шундан сўнг Алп-тегин инсоф-адолат билан ҳукмронлик қилдики, бутун атрофда тинчлик-осойишталик ўрнатилди.

Бир куни Алп-тегин йўлда отлик бораётган эди, қишлоқдан келаётган бир гуруҳ жангчиларни кўриб қолди. Жангчилардан ҳар бири отининг эгарига хўроз, товук ва бошқа уй паррандаларини осиб олган эканлар. Алп-тегин жангчиларни тўхташиб, «Паррандаларни қаердан олдинглар?» — деб сўради. Аскарлар: «Биз буларни қўшни қишлоқдаги бозордан сотиб олдик», — деб жавоб беришди. Алп-тегин шу заҳоти ўша

қишлоққа навкарларини юбориб, оқсоқолни топиб келишни буюрди. Қишлоқ оқсоқолини топиб келдилар. Алп-тегин ундан: «Жангчиларим аҳолидан паррандаларни сотиб олдиларми ёки зўрлик билан тортиб олдиларми?» — деб сўради.

Қишлоқ оқсоқоли жангчилардан кўрқиб, ҳақиқатни яширишга уринди. Алп-тегин «Ростини айтмасанг, бошинг кетади!» деб кўрқитгач, оқсоқол деди:

— Навкарлар қайси қишлоққа келса, ҳеч нарсани пулга сотиб олмайди, хоҳлаганча тортиб олади.

Бу сўзларни эшитиб, Алп-тегин талончи жангчиларни ўлимга буюрди. Лекин яқинлари уларга енгилроқ жазо беришни илтимос қилишди. Алп-тегин бу илтимосларни назарга олиб, ҳукмини ўзгартирди. Янги ҳукм-фармон бўйича, талончи жангчиларнинг қулқларини тешиб, аҳолидан тортиб олган паррандаларни оёғидан осиб қўйдилар.

Паррандалар учиб, қочиб кетишга уриниб, қанотларини патиралиб, жангчиларнинг қулоғи ва юзларини қонга беладилар. Буларни шу аҳволда бутун қўшин орасидан сазойи қилиб олиб ўтдилар ва аҳолига ҳам кўрсатдилар.

Алп-тегиннинг бу адолатли жазоси ҳақидаги овоза Ғазна шаҳрига ҳам етиб борди. Шаҳар аҳолиси, етакчилари тўпланиб, воқеани муҳокама қилдилар ва агар Алп-тегин Ғазнада ҳам шундай инсоф-адолат билан иш тутса, бизга ҳукмдорликка муносиб экан, деган қарорга келдилар. Шу куни кечаси Алп-тегин хузурига вакил юбориб, шаҳарни унга топшириш шартларини келишиб олдилар.

Алп-тегин бир қишлоқ аҳолисига нисбатан қилган мана шу адолатли иши туфайли Ғазна шаҳрини ҳам қўлга киритди. Бу шаҳар кейинчалик фаровон ва қудратли салтанатнинг пойтахтига айланди.

Нодира МУСАЕВА тайёрлади.



Шарқ алломаларидан бири Саъиддин Муҳаммад Авфий XII аср охирида Бухорода туғилган. 1220 йилда мўғул истилочилари Бухорони вайронага айлантирган вақтда Авфий Ҳиндистонга бориб, Деҳлида Шамсиддин Элутмиш хузуридан паноҳ топади. Унинг 4 жилдли ва ҳар бири 100 бобдан иборат «Жавомеъ ул-ҳикоят ва лавомеъ ур-ривоёт» («Ҳикоятлар тўплами ва ривоятлар шўбласи») асари инсоният маданияти тарихининг энг гўзал ва илк намуналаридан биридир.

Качонки руҳ инсон танасини тарк этар экан, ўлим деб аталадиган бу лаҳзаларда у жисмнинг барча аъзоларини қолдириб кетади. Вужуд аъзолари бирин-кетин ҳаракатдан тўхтайтиди. Худди шу вақтнинг ўзида хужайраларнинг кейинчалик маъдаларга, ўсувчи ва жонланувчи гуруҳларга ажраладиган жараёни бошланади. Қадимги донишмандлардан бирининг таъбири билан айтганда: «Ўлим ҳаётнинг бошқача кўриниши. Мавжуд ҳаёт қурилмасининг тугаши билан бошқа бир ҳаёт кўриниши шаклланади».

Руҳнинг жисмни тарк этиш жараёни, ундан кейинги жараёнлар, вужуднинг клиник ўлими пайтидаги ҳолати устида америкалик олим «Ҳаётдан кейинги ҳаёт» китоби муаллифи доктор Р.Мауди изланишлар олиб борган. Беш йил ичида доктор Мауди юздан ортиқ клиник ўлим ҳолатидаги касалларнинг ҳаётга қайтганини кузатган. Қайта тирилган, яъни ўлимни бошидан кечирганларнинг айтишларича, уларда клиник ўлим жараёни бир хил кечган.

Жон бераётган одам атрофдагиларнинг овозларини эшитиб туради. Унга табибларнинг, кузатувчиларнинг, йиғлаётган қариндошларининг овозлари эшитилади. Шу лаҳзаларда у баъзи ғалати товушларни ҳам ҳис қилиши мумкин. Бу товушлар баъзан кўнғирок овозидек, улугвор, ёқимли мусиқа оҳанглиридек эшитилса, баъзан аксинча изғириннинг хуштаксимон овозига ўхшаш бўлади. Бу овозларни ҳис қилиш билан бир вақтда у қандайдир қоронғу туннел ёки қувурга ўхшаш бўшлиқда катта тезликда ҳаракатланиб кетаётгандек бўлади.

Ҳаммаёқ зим-зиё, фақат узоқдан бир

Сиёсий латифалар

Юлий Цезарнинг хияни ва тутинган фарзанди Октавиан Август жангу жадалда шафқатсиз бўлса ҳам, тинч вақтларда оддий деҳқонлар билан ҳазил-мутойибани яхши кўрар эди. Бир куни у Рим кўчаларида қаёққадир бораётганда худди ўзига ўхшаш қиёфали бир йигитни кўриб қолиб:

— Ҳой, йигитча, сенинг онанг Римга тез-тез келиб турармиди? — деб ҳазиллашди. Бу билан «Онанг менинг отамни кўриб турармиди» демоқчи эди.

Қишлоқлик йигит ҳам бўш келмай: — Йўқ, жаноб, бу ерга отам тез-тез келиб турарди, — деди.

Император бу жавобдан мароқланиб кулди.

Македониялик Искандарнинг хушомадгўйлари кўп эди. Шулардан бир зобитга Искандар бундай савол берди: — Грециянинг об-ҳавоси яхшими ё



Ўлимдан кейинги ҳаёт

ёруғлик кўзга ташланади. Ёруғликка яқинлашган сари у теранроқ ойдинлашиб боради. Нур сарғиш оқ, кўпроқ оққа яқин, фавқулудда ёрқин бўлса-да кўзни қамаштирмайди, аксинча атрофни аниқ-тиниқ кўришга имкон беради (Операция қилинаётган бемор ҳам клиник ўлим ҳолатида бўлади. У табибларни, ҳамшираларни жарроҳлик ускуналарини кўриб туради).

Ҳаётга қайтганларнинг аксарияти кўринган ёғду оддий нур эмас, истарасидан меҳр-муҳаббат ёғилиб турган нурли сиймо, деб аниқ таърифлайдилар. Ундан таралаётган илиқ нур таъсирида киши ботинида хузурбахш энгиллик содир бўлади. Нурли сиймо намоён бўлиши билан одамни бутунлай ўзига жалб қилиб олади ва алоқага киришади. Киши ҳеч қандай овозни, ҳеч қандай товушни ҳис қилмайди. Инсон шуурида шундай ҳис намоён бўладики, кўринаётган зот саробга ўхшаш ёлғон тасаввур эмас, у мавжуд, нур таратаётган сиймо. Намоён бўлган нурли сиймо дарҳол бирмунча сўзсиз фикрларни узатади. Бу фикрлар кўпроқ: «Ўлимга тайёрмисан? Ҳаётинг давомида нималарга эришдинг, менга нимани айта оласан?» каби саволлардан иборат бўлади.

Инсон нурли сиймога интилиб, ундан фақат меҳр ва таянч ҳис қилади. Жавоб қандай бўлишидан қатъи назар саволлар маълумот олиш учун эмас, инсонга кўмак учун, ўзи ҳақида тўғри хулоса чиқариб, тўғри йўлни танлаши учун берилади.

Нурли сиймо сўзсиз саволлар узатиш билан бирга киши ўтмишини, ҳаётдаги манзараларини намоён қилади. Бундай ҳодисаларни бошдан кечирганларнинг аксариятида кўринаётган ўтмиши картиналари бир тартибда хабар тарзида намоён бўлади. Айримларининг эслашларича, бир дақиқалик кўринишда бутун ўтмишни онгда жамлаб олиш мумкин. Баъзиларнинг айтишича, бу кўринишлар рангли, киносимон, ҳатто ҳаракатли бўлади. Манзаралар тез-тез алмашилиб турса-да, уларни илғаб, англаб олиш қийин эмас. Инсон ҳаёт йўли манзаралари таъсирида, киши айрим воқеаларни бошдан кечираётганда қандай ҳаяжонда, қандай ҳолатда бўлса, яна шундай ҳаяжон, шундай ҳолатга тушади.

Клиник ўлимни бошдан кечириб, нурли сиймо акс эттирган ҳаёт йўлини кўрганлар учун бу ҳодисалар сабоқ бўлган. Улар кейинги ҳаётлари учун иккита муҳим хулосани чиқарадилар:

бошқаларни севишни ўрганиш ва чуқур билимга эга бўлиш.

Айрим ҳолларда ўтмиш акс этган кўринишлар нурли сиймо иштирокисиз ҳам бўлиши мумкин. Лекин бундай кўринишлар таъсири нурли сиймо иштирокида намоён бўлганларда кучлироқ бўлади. Ҳар икки ҳолда ҳам инсон ўзи ҳақида тўғри хулоса чиқара олади. Ўзини аслича намоён қилади.

Ўз ўтмиши билан юзма-юз бўлиш дақиқалари инсон учун ўта муҳим. Унга бу жараёнда ҳеч нарса ҳалақит қилмаслиги лозим. Фикрни бир жойга жамлаб, ўтмишни кўнгил кўзи билан кўраётганда уни чалғитмаслик керак. Жасаднинг атрофидагилар ўзларини босиб, тинч туришлари муҳим. Жон таслим қилаётган одам атрофидагиларнинг уввос йиғи овозлари марҳумга оғир таъсир қилади, шу билан бирга унда қариндошлари ва яқинлари сафига қайтиш истаги уйғонади. Бундай ҳолат уни жонсарақ аҳволда узоқ ушланиб қолишига олиб келади. Марҳум нариги дунёга осойишта ўтиши учун уни безовта қилмаслик зарур.

Русчадан Манзура ШАМСИЕВА таржимаси

Македониянинг?

Зобит бошлиғига хушомад қилиб:

— Македониянинг об-ҳавоси

яхши, — деди.

Искандарнинг ёнида ростгўй Каллисфен

бор эди. У хушомадгўй зобитга:

— Сен Грецияда бир йиртиқ кўйлақда

бемалол юрар эдинг, Македонияда уч

қават кийимда ҳам совуқотяпсан.

Қаернинг ҳавоси яхши? — деди.

* * *

Бир подшоҳ инжик, талтайган ўғилчасини



мақтаб бундай деди:

— Бутун Греция аҳолисига Афина бошлиқ,

Афина аҳолисига — мен бошлиқ, менга —

хотиним бошлиқ, хотинимга — ўғилчамиз

бошлиқ...

* * *

Сталин Берияга кўнғироқ қияпти:

— Лаврентий, трубкам йўқолди. Чора кўр.

— Ҳўп бўлади, ўртоқ Сталин.

Орадан бир ҳафта ўтди.

— Ўртоқ Сталин, гапиришга ижозат

беринг. Трубкангиз йўқолиши муносабати

билан текширишлар ўтказдим. Халқ

душманларининг тил бириктирганлиги

аниқланди. 400 киши қамоққа олинди.

Уларнинг 389 таси айбларини

бўйинларига олишди ва отишга ҳукм

қилинди.

— Лаврентий, шошма, мен трубкамни

топдим.

* * *

Бир болакай циркка тушибди. Унга



кўзбойлоқчи жуда ёқибди. У эртасига кўзбойлоқчи билан телефонда гаплашмоқчи бўлибди. 30-йилларда телефонда диск йўқ экан. Болакай трубкани кўтариб телефончига: «Марҳамат қилиб мени ЦИК билан боғласангиз» — дебди (у «р» ҳарфини айтолмас экан).

Трубкани Калинин кўтарибди. Бола: «Менга одамларни алдайдиган амакани чақириб беринг», — дебди. Калинин эса «Ўртоқ Сталин, сизни сўрашяпти», — дебди...

Юзим шунниқ бўлсин десанмиэ...

Очигини айтганда, ҳар бир аёл ўзини гўзал ва кўркам кўришни истайди. Аёлнинг гўзаллигини фақатгина либос белгиламайди. Баъзан кўча-кўйда кета туриб юз териси тиниқ бирон-бир инсонни кўрсак, албатта, яна қайта ҳавасла унга тикилиб қоламиз. Нима қилсак бизнинг ҳам юзимиз ана шундай тиниқ бўлиши мумкин деган ўй дарров кўнглимиздан ўтади. Юз терисининг шамолга ва совуққа, иссиққа чидамлилигини ошириш учун озиклантирувчи ниқоблардан фойдаланиш лозим. Қўйида юз териси парваришига оид бир неча маслаҳатларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

* Терини соғломлаштирувчи, шунингдек, маълум даражада ёшартирувчи омилларга қўйидаги амални кўрсатиш мумкин: бир чой қошиқ миқдорда мойчечак гули, ялпиз, далачай ва жўка гуллари олинб, 2 стакан сув билан дамлама тайёрланади. Дам едилганидан сўнг совутилади ва докада сузиб олинади. Шарбатига бир ош қошиғида гул атридан (одеколон) ёки икки ош қошиқ миқдорда ароқ қўшилади.

Тайёр бўлган аралашма юз терисига ҳар кун кечқурун суртилади.



Фойдали маслаҳатлар

Қайнатма шўрвани иситаётганда қозон қопқоғининг бир четини буг чиқиб кетадиган қилиб очиқ қолдириш керак. Шунда шўрва хира тортмайди.

Хом гўшт озик-овқат маҳсулотларига тегиб турмаслиги керак. Акс ҳолда гўшт микроблари уларга ўтиши мумкин. Айниқса, музлатгичда гўшт алоҳида туриши зарур. Сариг, пиширилган маҳсулотлар гўштга яқин қўйилса, уларни истеъмол қилган киши зарарланиши мумкин.

Музлаган гўштни яхдан тушириш учун бирон идишга солиб нормал уй ҳароратида сақланг. Аммо иссиқ жойга қўйманг, устидан иссиқ

сув қўйманг. Мазаси кетиб, тўйимлилиги йўқолади.

Бирор нарса қовурганда ортиб қолган ёгга, ўша ёгдаги исни йўқотмоқчи бўлсангиз, жиндек сув қўшиб қайта қиздирса, ис сув билан парланиб чиқиб кетади.



* 100 грамм сметанага 2 дона тухумнинг сариги қўшилиб, яхшилаб аралаштирилади. Ҳосил бўлган массага 25 грамм ароқ ва 1 дона лимоннинг шарбати қўшилади. Аралашма юзга ниқобланиб 15-20 минут давомида сақланади. Сўнгга илиқ сув билан ювиб ташланади. Бу беозор амал юз терисини озиклантиради, жонлантиради ва маълум даражада оқартириш хусусиятига эга бўлади.

* Мойчечак гулларида тайёрланган дамлама одамнинг юз терисини тозалаб, тиниқлаштиради. Бунинг учун 1 ош қошиқ миқдорда мойчечак гуллари тоғорачага солиниб, устига қайноқ сув қўйилиб, юзни унга тутиб турар экансиз, бошингизни сочик билан ёпиб олишингиз керак. Бошни мойчечак дамламаси устида 5 минут тутиб тургандан кейин юзни очиб, тоза пахта билан артсангиз, хуснбузарлар ҳамда нуқтасимон қора доғлар

* Одам улгайган сари унинг юз терисида қарилик аломатлари пайдо бўла бошлайди, унинг териси етарлича ёгланмайди (қуришиб, қазоқланади) ва маълум даражада сувсизланади. Шуларнинг натижасида юзга ажинлар туша бошлайди. Баъзида ёшларда ҳам эрта ажин тушиш ҳоллари учрайди. Ажинларни камайтириш ҳамда бутунлай йўқотишга мойиллик яратадиган халқ амаллари бор.

Бунинг учун сабур (алоз) шарбати билан 10 минутлик примочка (докани хўллаб қўйиш амали)ни ҳафтасига 2-3 марта такрорлаб турилади. Ушбу тадбир қўлланганда аввал сабурни 10 ҳароратда 14 кун сақлаш лозим бўлади. Янада ажойиброқ натижа олиш учун суртиб қўйилган ёгли кремни эрталаб тузли совуқ сув (1 чой қошиқ туз 1 стакан сувга) ёхуд аччиқ дамланган чой ёки мойчечак дамламаси билан ювиш тавсия этилади.

Агар юз териси қуруқ бўлиб, шўралайдиган ҳамда қазоқланадиган бўлса, унга ижобий таъсир кўрсатадиган ҳамда ажинларни текислаб ойдинлаштирувчи ниқобдан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун бир неча дона нодирхил қулупнай олинб тозалаб ювилади-да, эзгилаб унга 1 чой қошиқ миқдорда сметана ҳамда асл асал қўшиб яхшилаб аралаштирилади. Ҳосил бўлган бўтқасимон аралашма юз сатҳига суртилиб, 20 минутдан сўнг ниқоб илиқ сувга намланган пахта пилиги билан юмиштирилиб, ювиб ташланади.

қолмайди. Шундан сўнг юзни совуқ сув билан ювиб, крем суртасиз.

* Қуруқ ҳамда сўлгин терини соғломлаштириш мақсадида намловчи компресслардан фойдаланилади. Бунда қуритилган мойчечак гуллари ёки жўка гулларида дамлама тайёрлаб (1 ош қошиқ маҳсулот 1 стакан сувга), ювилиб, крем суртилади ва 2-3 минут илиқ компресс қилинади. Бундай амал юздаги қон томирлари кенг бўлган шахсларга тавсия этилмайди.

Саҳифани Маъпура НАБИЕВА тайёрлади.



«Она-Ватаним» айланма сканворди

Авалло қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Ўрта аср қомусий алломаси, ватандошимиз — 7, 21, 11, 2, 6, 1, 17.
2. Буюк соҳибқирон Амир Темур Шахрисабзда бунёд этган меъморлик обидаси — 15, 19, 8, 4, 11, 15, 17.
3. Ватанимиздаги ёшлар ҳаракати — 12, 4, 3, 15, 5, 15, 14.
4. Мустақиллигимизни сақлашда ватандошларимиз бурчларидан бири — 15, 18, 15, 20, 5, 1, 12.
5. Зеб-зийнат ашёси, рангдор, қимматбаҳо тош — 16, 19, 2, 14.
6. Техника экинн түпи — 10, 13, 9, 4. Энди жавоб сўзлари асосида шакл айланаларидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб муаммонимани ҳал этинг. Унда табрик сўзлари аён бўлади.

Тузувчи:
Фозилжон ОРИПОВ


Ҳурматли фотоусталари!

«Гулистон» журнали «Она-Ватан манзаралари» деб номланган фототанлов эълон қилади.

Танлов учун чекланмаган мавзуда фотосуратлар қабул қилинади. Она-Ватанимизнинг гўзал манзаралари, тарихий обидалар, шаҳар-қишлоқларимиз ҳуснига ҳусн қўшиб турган муҳташам иншоотлар, пиру бадавлат бобо ва момолар, сулув қизлару жажжи болакайлар, бир сўз билан айтганда, ўзбек халқининг ўзига хос жиҳатлари, мустақил Ватанимизнинг зафарли одимлари фотолавҳангиз қаҳрамони бўлиши мумкин. Асарлар йил давомида журнал саҳифаларида чоп этилади ва голиблар йил охирида эълон қилиниб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Шунингдек, журналда голиб сураткаш ҳақида суҳбат-мақола эълон қилинади.

Фотоусталари ва ишқибозлар!

Қимматбаҳо совғалар Сизни кутмоқда!






Шерали кизми

Шерали Хожиев — 1969 йилда Бухоро вилоятининг Шодиркоч туманида тушган. «Кизми-93» кўрик-ташлови гониди, «Католот» нуқороти совриндори. Айни пайтда Ўзбекистон телевидениесининг «Оқ олтин» телеўйини бошловчиси. «Мўтти» театри раҳбари.

Фотоаппарат янги пайдо бўлган вақтларда бир содда одам келиб расмхонанинг олдини чуқур кавлаётса, сураткаш келиб қолибди.

«Хў ака, нимага кавляпсиз?» деса, «Расмга тушмоқчиман», дебди. «Ҳа, расмга тушсангиз битта чуқур бўлади, нега иккита кавляпсиз?» деса, «Икки марта тушмоқчиман» дермиш.



Бир кун Бухорога кетаётсам ДАН ходими тўхтатди. Ака, машинани кўриб чиқамиз деб, кабинани кўриб секин орқага ўтди. «Ака, орқани очинг». «Очмайман», — дедим. «Нега очмайсиз!» «Ҳеч кимга очмаганман», — дедим. «Очмасангиз калитни олиб ўзим тиқаман», — деди. «Тиқолмайсиз, калитингиз тушмайди, замок спец заказ», — дедим. «Орқада нима бор ўзи?» «Кўп нарса», — дедим. «Тўғриси айтинг» деди, «Майиз бор», — дедим.

Ҳалиги ДАН ходимининг жаҳли чиқиб «Қанақа майиз? Буёққа юринг, сизни тиқиб кўяман», — деди. Ялинишга тушдим. «Ака, мен қизиқчиман. Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримовнинг шогирди Мўттиман. Сизга бир ҳазиллашгим келувди-да. «Шариф ва Маъриф» фильмини кўрганмисиз? Ўшанда майиз сотганман. Ҳозир шу сотувчилигим ёдимга тушиб кетди, ака» — деб турсам бошлиғи келиб қолди. «Тинчликми, Мўттивой» — деб сўраб қолса бўладими. «Майиз бор, дедим, шунга манави акахон тиқиб кўяман деяпти».

«Жа, нозик жойидан олибсиз-да, ахир буни лақаби «Майиз»-да, — дейди.

* * *

«Оқ олтин» телеўйини бошловчисиман. Одамлар ҳар хил саволлар беришади. Бир куни бир одам кўпчиликнинг ичида нима дейди денг: «Шерали-жон, сизга мазза». «Нега?» дедим, «Сиз ҳар куни ютасиз».

«Тўғри ютамиз, биласизми, фақат нима ютамиз» десам, «биламан, тилла», — дейди. «Билмас экансиз, ака». «Ҳа, машина ютасиз-да».

«Йўк, мен ҳар кун ютаман, фақат саҳарда тухум ютаман ака, шунинг учун овозим ширали, ўзим Шерали».

Қандай қилиб соғлиқни ва ёшликни 100 ёшгача сақлаш мумкин?

Соғлиқнинг 9 қоидаси

1-қоида. Куёш нуридан яхши фойдаланинг.

Куёш нурлари — бу кучли бактерицид (бактерияларни қирувчи) воситадир. Агар инсон танаси ундан қанча кўп олса, шунча бактерицид энергияси еамлайди. Шунинг учун инсон териси офтобда енгил қорайиши, ўзининг ҳақиқий рангидан сал қорароқ бўлиши керак. Куёш тинчлантирувчи, кайфиятингизни кўтарувчи энг яхши воситадир. У қувватни ошириб рағбатлантиради ва касалликлардан фориғ қилади.

Шундай бўлса-да, бу табиий дорини танага дастлаб оз-оздан олган маъқул. Куёш ваннаси олишни бошлаётганда аввал қисқа муддатларда, сўнг аста-секинлик билан вақтини кўпайтириб бориш зарур. Офтобда қорайишни эрта тонгда (соат 11.00 гача) ва тушликдан сўнг (соат 17.00) 5-10 дақиқадан бошланг, аммо 30 дақиқадан ошмасин. Куёш ваннасини йилнинг илиқ-иссиқ пайтларида, бемалол ечиниш ва кийиниш имкони бўлган жойларда, денгизда, тоғда, дала ҳовлида, пляж ва бошқа ерларда олиш мумкин.

2-қоида. Тоза ҳаводан нафас олинг.

Тоза ҳаво кўзга кўринмас «таом» бўлиб, биз усиз 5-7 дақиқадан ортиқ яшай олмаймиз. Агар инсон керакли даражада тоза ҳаво олмаса, нафас оли-наётган кислород билан чиқарилаётган углекислота — карбонат ангидрид миқдори тенг бўлмаса, тана заҳарлана бошлайди. Бу жуда кўп касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Чуқур нафас олишни ўрганинг. Инсон қанчалик кўп чуқур нафас олса, у минутига шунча кам нафас чиқаради ва умри шунча узоқ бўлади.

Демак, сизга қуйидагиларни маслаҳат берамиз:

- уйқудан турган заҳотингиз секин чуқур нафас олинг (йилнинг иссиқ пайтларида — очик дераза олдида);
- ҳар куни 5 минут нафас олиш машқларини бажаринг;
- яшаш жойини бир кунда икки мартаба шамоллатинг;
- ҳар куни пиёда узоқ сайр қилинг (3-4км.);
- ҳаво ванналари қабул қилинг. Йилнинг иссиқ пайтларида деразани очиб ухланг, бу ҳаво яхши айланишни таъминлайди. Имкони борича танангиз ҳавони эркин ютиши учун жуда ўраниб олманг;
- шаҳар ташқарисиди, дала, тоғ, ўрмонда ва тоза ҳаводан нафас олиш мумкин бўлган жойларда кўпроқ бўлинг.


(Давоми келгуси сонда.)

КРОССВОРД

Рақамларда ифодаланган таникли ўзбек олими ва адиби Абдурауф Фитратнинг ҳаёти ва ижодига оид сўзларни топиб очкични ҳал этинг.

1. Таникли маърифатпарвар Абдурауф Фитрат дарс берган Тошкентдаги дорилфунун ташкилотчиси ва раҳбари — 6, 20, 3, 2, 11, 11, 2, 7, 8, 4, 7, 1.
 2. Олимнинг илм-маърифат масалаларига оид асарларидан бири — 6, 20, 3, 4, 13, 2, 7, 2.
 3. 1915 йилда Истанбулда тожик тилида босилиб чиққан йирик фалсафий, ахлоқий-таълимий насрий асари — 7, 2, 22, 16, 2, 7, 1, 3, 2, 21, 4, 5.
 4. Фитрат Туркияда ўқиш йилларида мутолаа қилган журналлардан бири — 6, 2, 26, 14, 20, 6, 4, 5.
 5. Фитрат муҳаррирлик қилган «Хуррият» рўзномасида илгари сурилган ширдан: «Ҳаёт йўлида биринчи масала — 6, 2, 17, 5, 2, 16 масаласидир».
 6. Адибнинг ҳинд халқи ҳаётига оид сахна асарларидан бири — 27, 1, 3, 19, 15, 11, 1, 18.
 7. Фитрат нашр эттирган тўпламлардан бири — 19, 2, 12, 22, 2.
 8. Аллома мукаммал билган тиллардан бири — 25, 4, 7, 19.
 9. Абдурауф Фитрат хикматларидан: «Инсон ҳаётининг мазмуни икки 9, 20, 3, 23. Саодати ва саодат раҳбари — ақлнинг комиллигига эришишдан иборатдир».
 10. «Ақл ислом дини назарида ҳам — 24, 3, 10 шарафдир».
- Энди шаклдаги рақамларни жавоблар асосида тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб тилсимни ҳал этинг. Унда қомусий аллома ва адиб Абдурауф Фитратнинг она-Ватани мадҳ этган шеърдан олти мисра аён бўлади.

Тузувчи: Ф.ОРИПОВ



Абдулла БОБОЁРОВ

ТИК ОРЗУСИ

(ҳазил)

Ҳамма жойда тадбиркорлар,
 Ҳамма жойда тижорат.
 Биридан дил қувонса гар,
 Биридан дил хижолат.
 Оқшом чоғи мовий экран
 Мурватини бургандим,
 Сухандон лоф урар эди,
 Тинглар эди барча жим.
 — «Кока-кола» Ҳиммат қилди,
 Омад сизни кутмоқда.
 Бирлаштириб тўртта қопқоқ,
 Кўплар «Тико» ютмоқда!
 — Во ажаб! — дер сапчиб хотин,
 Фоз тутганча қоматни.
 — Эҳ, дадаси, ютамиз биз,
 Кўнглим сезар омадни!
 Битта «Тико» минсам эди,
 Кетар эдим ёшариб,
 Юрар эдим сизни, эржон,
 Бошгинамда кўтариб.
 Эру хотин туздик режа
 Юзта «Кола» олишга.
 Худо берса омад кулиб,
 Машинали бўлишга.
 Саҳарданоқ эру хотин
 Дўкон сари чопдик биз.
 Ёшу яланг, қари-қартанг,
 Барин бунда топдик биз.
 Эшмат, Тошмат, беғам Холмат,
 Қоплаб «Кола» оларди.
 Баъзилар-чи навбат тегмай
 Ёқалашиб қоларди.
 Биз ҳам олдик юзта «Кола»,
 Орқаладик уй томон.
 Қоп кўтарди полвон хотин
 Орқада ўғил шодон.
 Барча идиш очилди тез,
 Қопқоғи ҳам қаралди.
 Буни кўринг бир қопқоқда
 Чорак «Тико» турарди.
 Хотин ичди, ўғил ичди,
 Бир қоп «Кола» тугади.
 Оғизларда чучмал бир ҳид,
 Эҳ, нафасни бўғарди.
 Қорин қурғур чалиб қарсак
 Фулдур-ғулдур қиларди.

Улар билмам омадними
 Ё кулфатни биларди.
 — Энди, — деди хотин қатъий,
 — Тезда кўйни сотамиз.
 Чорактага етдик, ахир,
 Қолганига етамиз!
 Кўйни сотиб «Кола» ичдик,
 Чорак ярим бўлмади.
 Курка, товуқ кетди бари,
 Хотин кўнгли тўлмади.
 — Омад деган шундоқ бўлар,
 Омад дарров кулмайди.
 Яна «Кола» ичамиз биз,
 Йўқ, ютмасак бўлмайди! —
 Шундоқ деди хотин қурғур
 Фоз тутганча қоматни.
 Хотин зоти асли шундоқ —
 У сезади омадни.
 Говмиш сигир бузоқ билан
 Етакланди бозорга.
 Бир қоп «Кола» ўғил билан
 Ўн кун ичдик гузарда.
 Барча одам бизга ҳайрон
 Қорнимиз-чи чулдирар,
 Лаб гезарган, чукур тортган
 Нигоҳимиз мўлтирар.
 «Кола» кўрсам юрак зада,
 Қўлим титрар эзилиб.
 «Кола» кўрсам кетар эди
 Эҳ, авзойим бузилиб.
 Хотин эса ҳамон собит,
 «Келтир» дерди, ичардик.
 Аммо билмам хаёлидан
 Не гумонлар кечарди.
 Бир ой ўтгач хўкиз кетди,
 «Кола»ларга айланиб.
 Бизлар эса ичаяпмиз
 Ҳамон ётиб, бойланиб.
 Омад эса, эҳ, қаёқда!
 Буни қийин билмоқлик.
 Пешонамга ёзилганми
 «Кола» ичиб ўлмоқлик.
 Қўллар титрар, юзлар сўлгин,
 Судраламиз эзилиб.
 Эҳ, қанийди, омад келса,
 «Тико» минсак керилиб...



Инсон табиатида гўзалликдан таъсирланишга иштиёқ бениҳоя кучли. Миллион-миллион йиллар бўлдики, тасвирий санъат инсон билан бирга. Башариятнинг буюк даҳолари истеъдоди боис тасвирий санъат эндиликда инсоният ҳаётининг ажралмас қисмига, шахсни ўзлик томон етакловчи илоҳий қудратга айланди.

Комил Жонтоев ҳам тасвирий санъатнинг чинакам шайдоси. У 1965 йилда Қўшработ туманида тугилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бадиий графика факультетидаги таҳсилдан сўнг иқтидорли мусаввир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, «Ўзбекистон футболу», «Спорт», «Ўзбекистон овози» газеталарида хизмат қилди. Бу давр мобайнида Комил Жонтоев республика миқёсида ўтказилган бир қатор кўриктанловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритди. У 1995 йилда Тошкентда ўтказилган «Марказий Осиё ўйинлари» спорт мусобақаси рамзи (эмблема)нинг муаллифи ҳамдир.

Мусаввир асосан портрет, манзара жанрларида ижод қилади. Унинг ижоди билан танишар экансиз, инсон қалби, унинг истеъдоди чинакам «мўъжиза»лар ярата олишига янада ишонч ҳосил қиласиз. Ватаннинг бетакрор манзаралари, тоғ қишлоқлари, булутларга ёндош чўққилар, ҳаётнинг шафқатсиз синовларини мардона енгиб ўтган ўзбек онаси тасвирлари унинг асарларида ўзига хос фалсафий ифода топган.





Нурота тизма тоғларининг Бешбармоқта чўккилари.
мусаввир Комил Жонтоев



Индекс: якка обунчилар учун — 820
ташкilotлар учун — 806 .

Баҳоси: чакана савдода келишилган нарҳда .



Guliston